



# ASR

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 20-OKTYABR, PAYSHANBA, 44 (676)-SON

e-mail: xxi\_asr@umail.uz, web sayt: www.21asr.uz

## ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ, ХАЛҚИМИЗ УЧУН ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА, МУНОСИБ ҲАЁТ ДАРАЖАСИНИ ЯРАТИШ – БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Тadbirkorlar va ishbilarmonlar ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузаси



Ҳурматли съезд қатнашчилари!

Сизлар билан бугунги муҳим сиёсий тadbirkorlar ва ishbilarmonlar ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузасида қўйилган мақсад ва дастурлари, ташаббус ва амалий ҳаракатлари билан доимо халқимизнинг дарду ташвишлари ва муаммоларини ечишга, юртимиз фаровонлигини янада оширишга муносиб ҳисса қўшиб, Ватанимизда кундан-кунга катта обрў-эътиборга эришиб бормоқда.

Бугунги кунда ўз сафларидан 250 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган сиёсий партияимиз мамлакатимизнинг қудрати ва салоҳиятини, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги, халқимиз фаровонлигини таъминлашда қудратли кучга айланмоқда.

Ишонанки, келажакда ҳам партияимиз юртимизнинг гуллаб-яшнаши учун муносиб ҳисса қўшадиган етакчи сиёсий партиялардан бири бўлиб қолади. Қадри юртдошлар! Замонамизнинг буюк давлат арбоби, мамлакатимиз ва халқимизнинг тақдирини, бахту саодати йўлида ўз ҳаётини бағишлаган улуг йўлбошчимиз, Ислам Абдуганиевич Каримовнинг вафоти барчамиз учун ўрнини тўлдириб бўлмайдиган огир жудолик бўлди.

Бутун дунёда таҳликали вазият, миллатлараро тўқнашувлар,

сиёсий ва иқтисодий инқирозлар ҳамда турли хавф-хатарлар авж олган даврда Ислам Каримовнинг мамлакатимизга раҳбарлик қилганлари Яратганининг халқимизга кўрсатган бебаҳо марҳамати бўлди.

Муҳтарам Юртбошимизнинг букилмас иродаси, фидойилиги, мардлиги ва ватанпарварлиги, узоқни кўриш ва стратегик фикрлаш қобилияти ватандошларимизни ягона мақсад сари бирлаштирди.

Натижада мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлида кўп-кўп қийинчилик ва синовлардан ўтиб, тарихан қисқа даврда жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Муҳтарам Ислам Абдуганиевичнинг босиб ўтган умр йўллари, мустақиллигимизни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш борасидаги тарихий хизматлари барчамиз учун, шу жумладан, мен учун ҳам энг ёрқин ибрат намунаси ва катта ҳаёт мактаби бўлиб қолади.

Буюк устозимизнинг сиёсий мероси, у киши белгилаб берган тараққиётимизнинг асосий тамойиллари, устувор йўналишлар, мақсад ва вазифаларни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш – биз учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Бу улкан масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, азиз Юртбошимиз Ислам Абдуганиевич Каримовнинг гоёяларини амалга ошириш, мамлакатимизда олиб борилаётган давлат сиёсатини изчил давом эттириш, олдимизда турган стратегик вазифаларни огишмай бажаришни халқимиз олдидаги ўзимнинг асосий бурчим деб билман.

Барчамизга маълумки, жаҳондаги эркин ривожланаётган, суверен, ҳуқуқий демократик давлатлар томонидан эътироф этилган принциплар

ва халқаро ҳуқуқ нормаларига амал қилиш, шунингдек, халқимизнинг миллий манфаатлари, менталитети ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш бўйича тизимли ва изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ана шу кўп қиррали сиёсатнинг пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда бу борада 70 дан ортиқ халқаро ҳужжат, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 10 та асосий ҳужжати ратификация қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Фуқаролик жамиятини барпо этиш, юртдошларимизнинг эркинлик ва ташаббусларини, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш келгусида ҳам Ўзбекистон сиёсий тизимини ривожлантиришнинг муҳим йўналиши бўлиб қолади.

Давлат ҳокимияти органлари тизимида Олий Мажлис палаталари родини кучайтириш, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати бўйича муҳим вазифаларни ҳал этиш, ижро ҳокимияти органлари фаолиятини назорат қилишда парламентнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Биз юртимизда кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаб, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларда партияларнинг родини оширишга кўмаклашамиз.

Қачонки, сиёсий партияларнинг фаоллиги ошиб, парламент фаолияти доирасида улар ўртасида соғлом рақобат ва бахс-му-

нозара муҳити шаклланса, шундагина вакиллик ҳокимияти органлари ҳам самарали фаолият кўрсатади.

Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида партия гуруҳларининг ваколати ва родини ошириш, айниқса, ижро ҳокимияти органлари фаолиятини назорат қилиш борасидаги таъсирини янада кучайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ҳурматли дўстлар! Биз бошимиздан кечириётган ҳозирги глобаллашув даври ўта шиддат билан ўзгараётгани ва турли таҳдидлар кўплиги билан олдимизга ҳал этишни кечиктириб бўлмайдиган гоёт мураккаб вазифаларни қўймоқда.

Шу сабабли Ўзбекистоннинг барқарор ривожига хавф туғдириши мумкин бўлган таҳдидлар, ўз ечимини кутаётган энг муҳим муаммолари масалаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Биринчидан, геосиёсий манфаатлар тўқнашуви халқаро алоқаларда ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муносабатларига путур етишига, қарама-қаршилик ва носоглом рақобат кучайишига сабаб бўлмоқда.

Иккинчидан, жаҳон иқтисодий инқирози, дунё бозорларидаги беқарорлик, энергия ресурслари нархларининг пайсасий деярли барча давлатларнинг иқтисодий ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Табиий ресурслар учун қураш қатор давлатларда ҳарбий-сиёсий аҳволнинг кескинлашуви олиб келмоқда. Айрим мамлакатларни хомашё базаси ва сифатсиз маҳсулотлар бозорига айлантиришга интилаётган кучлар ҳам йўқ эмас.

Учинчидан, жаҳон иқтисодий-тининг глобаллашуви ва баъзи минтақаларда юзага келган нотинч вазият аҳоли миграцияси кучайишига сабаб бўлмоқда. Бу эса жиноятчилик, одам савдоси, террорчилик, экстремизм, наркотрафик каби иллатларнинг ҳамда ўта хавфли юқумли касалликларнинг кўпайишига олиб келмоқда.

Тўртинчидан, ахборот-коммуникация тизимларининг кенг қўлланиши, давлат бошқарувининг электрон шаклда ташкил этилаётгани, ўз навбатида, ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ қўшимча чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда.

Бешинчидан, коррупция, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик каби иллатлар давлат ҳокимиятини обрўсизлантириб, иқтисодийнинг ўсиши ва тadbirkorlik ривожига жиддий

тўсиқ бўлмоқда. Олтинчидан, "оммавий маданият" балоси кўплаб ёшларни ўз домига тортиб, миллат ва юрт учун бутунлай бегона бўлган салбий таъсирлар кириб келишига сабаб бўлмоқда.

Ҳурматли партиядошлар! Давримизнинг даъвати сифатида пайдо бўлган "Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак" деган теран маъноли сўзларни биз ҳамisha ёдимизда сақлашимиз лозим.

Бизнинг энг асосий ютуғимиз – кўпмиллатли халқимизнинг вужудга келаётган қийинчилик ва синовларни енгишга қодирлиги, уларнинг замонавий дунёқараши, сиёсий онги ва ижтимоий фаоллигининг юксалиб бораётгани, атрофимиздаги воқеаларга бепарво бўлмасдан, аксинча, дахлдорлик туйғуси билан яшаётганидир.

Марказий Осиё минтақасида ва бутун дунёда мураккаб вазият юзага келаётган, терроризм, экстремизм ва радикализм хавфи тобора ортиб бораётган бугунги шароитда доимо хушёр ва огоҳ бўлиш, мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини, Куролли Кучларимизнинг салоҳиятини ҳар томонлама мустаҳкамлаш хавфсизлик ва барқарорликни, халқимизнинг осойишта ҳаётини таъминлашнинг энг муҳим шарти ва кафолати эканини барчамиз яхши англаймиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларининг тинч-тотув ҳаёт кечириётгани – истиқлол даврида эришган энг муҳим ютуқларимиздан биридир, деса, ўйламанки, барчангиз бу фикрга қўшилсангиз. Миллатлараро тотувлики таъминлашда мамлакатимизда фаолият юритаётган 137 та миллий маданий марказларнинг ўрни беқиёс.

Айна шу нуқтаи назардан келгусида ҳам миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Юртимизда ҳукм сураётган диний бағрикенглик муҳити туфайли мамлакатимизда 2 минг 200 дан ортиқ турли диний ташкилотлар фаолият юритмоқда.

Турли дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ва дўстона муносабатларни ривожлантириш, қайси дин ва эътиқодга мансублигидан қатъи назар, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқчилигини таъминлаш бундан буён ҳам энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиб қолади.

(Давоми 2-, 3-, 4-саҳифаларда)

4 декабрь – сайлов кунини

Тadbirkorlar va ishbilarmonlar ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съезди

2016 йил 19 октябрь кунини Тошкент шаҳрида Тadbirkorlar va ishbilarmonlar ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съезди бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланган 300 га яқин делегат қатнашди.



Съезд иштирокчилари 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтadigan Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа эканлиги, унда ЎзЛиДеПнинг фаол иштирок этиши лозимлигини қайд этди.

Анжуман қатнашчилари таъкидлаганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Миллий давлатчилигимизнинг мустаҳкам асослари яратилди. Демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, бозор иқтисодиёти тамойилларига ўтиш, аҳоли ҳаёт даражасини юксалтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Қонун устуворлиги, кўппартиявийлик, демократик сайловлар мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётининг ажралмас таркибий қисмига айланди.

Съезд иштирокчилари томонидан юртимизда ҳар томонлама ўзини оқлаган ислохотларнинг давомийлигини, Ватанимиздаги тинчлик ва осойишталик, халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида фаол иш олиб бориш вакиллик органларида энг кўп депутатлик ўринларига эга бўлган етакчи сиёсий куч сифатида ЎзЛиДеП учун бундан буён ҳам асосий мақсад бўлиб қолиши таъкидланди.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ЎзЛиДеПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, ўтган йиллар давомида юртимизда амалга оширилган ривожланиш йўлини янги, юксак босқичга кўтаришга қодир, ислохотларнинг туб моҳиятини аниқ билладиган, уларни амалга ошириш жараёнларининг фаол иштирокчиси бўлган, халқ тақдирини ўз тақдирини билан чамбарчас боғлаб, доимо эл-юрт ташвиши билан яшайдиган, ташаббускор ва ташкилотчи шахс номзодини илгари суриш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Ана шу ҳолатларни ҳамда съезд делегатларининг чиқишларида ўз аксини топган сайловчилар ва кўп сонли партия электорати вакиллари фикрларини инобатга олган ҳолда, Тadbirkorlar va ishbilarmonlar ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг съезди бўлажак сайловда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кенг миқдосли ислохотларни амалга ошириш, мустақил давлатчилик асосларини барпо этиш ва мустаҳкамлашда, бозор тамойилларига асосланган мутлақо янги иқтисодий тизимни шакллантиришда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримовга узоқ йиллар елкадош бўлиб ишлаган, ўзининг бутун меҳнат фаолиятини Ватанимиз равнақига бағишлаб келаётган инсон, ўзининг амалий фаолияти билан юртдошларимиз орасида ҳақиқий равишда катта ҳурмат ва обрў-эътибор қозongan, партия Сиёсий Кенгашининг аъзоси Шавкат Миромонович Мирзиёев номзодини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Тadbirkorlar va ishbilarmonlar ҳаракати томонидан кўрсатилган номзод шу йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтadigan сайловда халқимиз томонидан қўллаб-қувватланишига ишонч билдирилди.

Съездда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзод Шавкат Мирзиёев ўз сайловдаги дастурининг асосий йўналишлари ҳақида маъруза қилди.

Съезд қарорига кўра ЎзЛиДеП қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партия номзодини рўйхатга олишни сўраб Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига мурожаат этди.

Съездда қўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Съезд якунида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун брифинг ташкил этилди.

# ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ, ХАЛҚИМИЗ УЧУН ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА, МУНОСИБ ҲАЁТ ДАРАЖАСИНИ ЯРАТИШ – БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузаси

(Давоми. Бошланиш 1-саҳифада)

Биз муқаддас динимизни нотўғри талқин этаётган ва уни ниқоб қилиб, бизни орқага, ўрта асрлар ҳаётига қайтаришга уринаётган бузғунчи кучларга қарши кескин курашиб келдик ва бундан кейин ҳам қатъий кураш олиб борамиз.

**Халқимизни ишонтириб айтаман: мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллигига раҳна солишга уринадиган ички ва ташқи кучларнинг ҳар қандай ҳаракатларига қарши биз кескин зарба беришга қодирмиз. Бунга ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа бўлмастлиги керак.**

Қадри анжуман иштирокчилари!

**Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш** – амалга оширилаётган барча ислохотлар самардорлигига эришиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, мамлакатда тинчлик, тотувлик ва барқарор вазиятни таъминлашнинг асосий кафолатидир.

Шу сабабли **суд-ҳуқуқ тизими** фаолияти тўғрисида гапирар эканмиз, амалга оширилган кенг қамровли ишлар билан бир қаторда, соҳада ўз ечимини кутаётган кўплаб муаммолар мавжудлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим, деб ҳисоблайман.

Одамлар биздан нимани кутаяпти? Энг аввало, давлат идораларига қилган мурожаатлари ўз вақтида, ҳолисона ва қонуний ҳал этилишини кутмоқда. Лекин, айрим раҳбарларнинг аҳоли ариза ва шикоятларини кўриб чиқишда сансалорлик, масъулиятсизлик, ортиқча расмийчиликка йўл қўётгани одамларни бездирмоқда.

Биргина жорий йилнинг 9 ойида Бош прокуратурага 137 минг, Олий судга 67 минг, Адлия вазирлигига 52 мингдан зиёд келиб тушган мурожаатларнинг салкам 30 фоизи бевосита тергов-суд фаолияти ва суд қарорлари ижроси соҳасидаги масалалар билан боғлиқ.

Энг ачинарлиси шундаки, мансабдор шахсларнинг ҳаракатсизлиги оқибатида такрорий мурожаатлар сони ортиб бормоқда.

Қани, айтинг-чи, бу аҳолида аҳолининг умуман суд-ҳуқуқ тизимига ишончи ва уни мустаҳкамлаш тўғрисида гапириш мумкинми ўзи?

Ўйлайманки, барчангиз бу масаланинг нечоғлик муҳим эканини яхши тушунасиз. Ҳўш, вазиятни ўнглаш учун нима қилиш керак?

Биринчи навбатда, барча даражадаги раҳбар ва масъул ходимларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатлар билан ишлашга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш керак.

Одамлар билан уларнинг тилида гаплашиш, дардини эшитиш ва муаммоларини ҳал қилишнинг самарали усулларини жорий этиш устида жиддий бош қотиришимиз зарур.

Ўйлайманки, бу масаланинг жуда муҳимлигини инобатга олиб, уни давлат сиёсатининг устувор вазифалари даражасига кўтариш пайти келди.

Муҳтарам Биринчи Президентимиз **“Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди”**, деб тақрор ва тақрор таъкидлар эдилар.

Аммо, бугунги кунда судларда ишларни кўриб чиқишда юз бераётган оворагарчилик жойларда фуқароларнинг ҳақли норозиликка сабаб бўлмоқда.

Айнан шу нуқтага назардан, **қабул қилинаётган ҳар бир қарорнинг асосли, адолатли ва қонуний бўлишини таъминлаш** муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда одил судлов фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш асосий масалаларидир.

Энг ачинарлиси, кейинги йилларда судлар томонидан бирорта ҳам оқлов ҳукми чиқарилмаган.

Бундан биз, барча тергов органлари хатосиз ва жуда сифатли даражада ишлаяпти, деган хулосага келишимиз мумкинми? Йўқ, албатта.

Бундан ташқари, одил судловнинг мазмун-моҳиятига мутлақо тўғри келмайдиган судлар томонидан жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш амалиётидан воз кечиш вақти келди.

**Суд ёки оқлов, ёки қоралов ҳукмини чиқариши керак.**

Шунинг учун судьяларнинг ваколат муддатларини узайтириш орқали судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда халқимиз кутаётган адолатли қарорлар қабул қилишга ҳар томонлама қодир, мустаҳкам иродали, юксак маънавий ва касбий фазилатларга эга бўлган суд ходимлари таркибини шакллантириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Одил судловнинг муҳим шарт бўлган томонлар тенглиги принципини тўлиқ ишлатиш учун **адвокатура соҳасини** ҳам ислоҳ қилиш алоҳида ўрин тутди.

Халқро тажрибага назар ташлайдиган бўлсак, адвокат энг нуфузли, обрўли ва ишончли касб эгаси ҳисобланади. Миллий қонунчилигимизда ҳам адвокатларнинг самарали фаолият юритиши учун барча асослар яратилган бўлса-да, амалиётда бу нормалар мутлақо ишламаётганини афсус билан қайд этишимиз лозим.

Шу билан бирга, суд-ҳуқуқ соҳасида адвокатларнинг ўрни ва ролини янада ошириш, адвокат ваколатларини кенгайтириш бўйича бир қатор қўшимча ва самарали чора-тадбирларни амалга оширишимиз зарур бўлади.

Юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал этиш мақсадида: **биринчидан**, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш; **иккинчидан**, фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш; **учинчидан**, одил судлов кафолатларини кучайтиришга қаратилган масалалар бўйича фармон лойиҳаси тайёрланмоқда.

Бугунги кундаги яна бир устувор вазифамиз – мамлакатимиз ривожига тўсиқ бўлаётган ёвуз иллат, яъни, **коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш** масалаларини самарали ҳал этишдан иборат.

Этибор беринг, биргина жорий йилнинг 9 ойида 61 мингдан ортиқ жиноят ва 2,5 миллиондан ортиқ ҳуқуқбузарликлар қайд этилган.

Бу рақамлар жамият тақдири учун жавобгарликни ҳис қилган ҳар бир инсонни ўйлантирмасдан қўймайди, албатта. Чунки, улар кимгадир фарзанд, ота-она ёки қариндош, қолаверса, шу юртнинг фуқароларидир.

Жиноят учун жазо муқаррар, албатта. Лекин, ўзимизга бир савол берайлик – фуқароларимиз жиноят йўлига кириб қолмаслиги учун шахсан ҳар биримиз нима иш қилаямиз?

Шу нуқтага назардан, фаолиятимиз, биринчи навбатда, айбдор шахсни жавобгарликка тортиб, унга “судланган” деган тамғани босишга эмас, аксинча, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва профилактикасига қаратилиши зарур.

**Афсуски, жойларда бу масалада маҳалла раиси, профилактика инспектори ва бошқа мутасаддилар ўз масъулиятини мутлақо ҳис этмаяпти, десак, тўғри бўлади.**

Шунинг учун жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳар қандай жиноятга адолатли баҳо беришга қаратилган ишларимиз кескин кучайтирилади.

**Ҳар бир ҳолат ва вазият бўйича ҳоким, ички ишлар бўлими бошлиғи ва прокурорнинг аҳоли вакиллари олдида ҳисобот беришини кўзда тутадиган янги тизим жорий этилади.**

Халқнинг дарди ва ташвишларини писанд қилмайдиган, эл-юртимиз осойишталиги ва жамоат тартибини сақлашга,

адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга қурби етмайдиган ҳар қандай даражадаги раҳбарларга нисбатан жиддий чоралар кўрилади. Лўнда қилиб айтганда, бундай лоқайд ва бефарқ шахсларга раҳбарлик лавозимларида мутлақо ўрин йўқ.

Профилактик тадбирларни ташкил этишда маҳалла имкониятларидан самарали фойдаланиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтириш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда фаол қатнашаётган инсонларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Олдимизда турган улкан мақсад ва вазифаларни тўлақонли амалга ошириш учун **давлат бошқарув тизими ва унинг аппарати самарали фаолият юритиши зарур**, албатта.

Бироқ, ҳолисона айтганда, бугун аксарият давлат идораларининг иш услуби давр талабига тўлиқ жавоб берайди. Айрим вазирлик ва идоралар аҳоли муаммоларини ҳал этишда расмийчиликка йўл қўймоқда, улар кўпинча қуруқ рақам ва маълумотлар тўплаш билан овора.

Вазирлик ва идораларда улар масъул бўлган соҳалардаги аҳолини чуқур ташлил қилиб, камчиликларни тизимли равишда аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган фаолият етарли даражада йўлга қўйилмаган.

Шу билан бирга, **ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш, қонунлар ижросини таъминлаш, жойлардаги давлат бошқаруви органлари фаолиятини мувофиқлаштириш борасида маҳаллий ҳокимликларнинг вазифа ва ваколатларини ҳам такомиллаштиришни** даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу ўринда ҳокимлик идораларининг моддий-техник базасини тубдан мустаҳкамлаш, уларнинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини мутлақо қайта кўриб чиқиш зарурлигини қайд этмоқчиман.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш ва бутун бошқарув тизимида аниқ тартиб ва қатъий интизомни таъминлаш мақсадида фақат жорий йилда Бош вазирнинг 2 та ўринбосари, 22 та вазир ва идоралар раҳбарлари, Тошкент вилояти, Жиззах, Қарши ва Термиз шаҳарлари ҳамда 21 та туман ҳокимлари лавозимларидан озод этилди. **Ишни жамоа бўлиб бажарсак ҳам, унинг натижаси учун ҳар биримиз шахсан жавоб беришимиз шарт.**

Муаммоларнинг асосий сабаби – кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш жараёнлари билан бевосита боғлиқ. **Янгича ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, илгор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган, ватанпарвар, ҳалол кадрларни танлаш ва тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилмас экан, давлат бошқарувида сифат ўзгариши юз бермайди.**

Давлат идоралари фаолиятини ташкил этишда барчамиз муҳим бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимизни истардим.

Содда қилиб айтганда, **халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қиладиган вақт келди.**

Афсуски, ҳаётда бунинг аксини кўрсатадиган баъзи бир рақамларга сизнинг эътиборингизни қаратмоқчиман. Шу йилнинг ўзида Вазирлар Маҳкамасига, вазирлик ва идораларга, барча даражадаги ҳокимликларга тушган мурожаатларнинг умумий сони 338 мингтани ташкил этди. Улардан 200 мингдан ортиғи ёки 60 фоизи туман ва шаҳарлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу рақамлар жойларда одамларнинг дарду ташвишлари билан ҳеч бир мутасадди раҳбар астойдил шуғулланмаётганини кўрсатади.

Ишга жойлаштириш, ер участкалари ажратиш, иш ҳақи ва пенсияларни ўз вақтида тўлаш масалалари бўйича мурожаатлар сони кўпайган. Айниқса, соғлиқ-

ни сақлаш ва таълим соҳаларига доир мурожаатларнинг ошгани, ишимиздаги камчиликлардан далолат беради. Шулар қаторида аҳолининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига нисбатан бўлган эътирозлари ҳам талайгина.

Раҳбарларнинг масъулиятсизлиги, баъзан одамларнинг эътиёллари ва ҳақли талабларига бефарқлиги, уларнинг мурожаатларига панжа орасидан қарашлари туфайли Қашқадарё, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридан келаётган шикоятларнинг оқими доимий равишда ортиб бормоқда.

Бундан ташқари, Бош вазирнинг яқинда Интернет тармоғида ташкил этилган виртуал, яъни, электрон қабулхонасига ўтган 3 ҳафта ичида **50 мингдан ортиқ мурожаат** келиб тушди.

Бундай масъулиятсиз ва совуққон муносабатга қатъиян чек қўйишимиз шарт. Фуқароларнинг ҳар қандай муаммоларини ҳал этиш давлатнинг халққа нисбатан асосий мажбуриятларидан бири эканини унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Шунинг учун **раҳбарлар мунтазам равишда халқ орасида бўлиб, шахсий қабуллар ташкил этишлари, жойлардаги муаммоларни ҳал қилишлари зарур.**

Бундан кейин жойлардаги раҳбарлар фаолиятига биринчи навбатда улар бошқараётган ҳудуддаги аҳолидан тушаётган мурожаатлар сони, уларнинг халқ ичида юриши, мавжуд муаммоларнинг амалий ечимига қараб баҳо берилади. Қисқа қилиб айтганда, **раҳбарларга халқнинг ўзи баҳо беради.**

Шу билан бирга, кўплаб давлат хизматчиларининг зиммасига катта масъулият юкланганига қарамасдан, уларнинг иш куни ва иш ҳафтаси аниқ меъёрга солинмагани ҳеч кимга сир эмас.

Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат хизматчиларига юксак талаблар қўйишдан олдин уларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш ва ҳимоя тизими билан мустаҳкамлаш даркор.

Масаланинг ўта долзарблигини эътиборга олиб, **давлат хизмати бўйича қонун қабул қилиш вақти келди**, деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни изчил амалга оширишда **фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин эгаллайди.**

Шу боис жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини ривожлантириш мақсадида зарур чораларни кўришимиз керак. Бу борада **“Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари”** концепциясини изчил давом эттириш энг устувор вазифаларимиз қаторига қиради.

Маълумки, дунёда ноёб, ўхшаши йўқ **маҳалла тизими** мустақиллик йилларида аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айланди.

Қайси маҳаллада иш тўғри ташкил этилиб, фуқаролар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган бўлса, ўша ерда ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳити ҳукм сурмоқда, ноҳус ҳолатларга йўл қўйилмаяпти.

Шуларнинг барчасини эътиборга олиб, биз бу тузилгани янада қўллаб-қувватлашимиз ва ҳар томонлама ривожлантиришимиз зарур.

Биринчи навбатда, маҳалланинг жамиятдаги ўрни ва ролини янада кучайтириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ушбу тизимда фаолият кўрсатаётган раҳбар ва ходимларнинг малакаси ва савиясини мунтазам ошириб бориш лозим бўлади.

Маҳалла институтининг жойларда халқнинг маслақдоши ва кўмақдошига, таъбир жоиз бўлса, “адолат тарозиси”га айланиши, ҳеч шубҳасиз, одамларнинг давлатга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

Яна бир муҳим масала – ислохотлар

жараёнида **оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш билан боғлиқ**. Ахборот соҳасини ривожлантириш борасида ўтган даврда катта ишлар қилинди. Келгусида журналистларнинг профессионал фаолиятини ҳимоя қилиш, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асослари ва моддий базасини янада мустаҳкамлашга қаратилган ишларимиз изчил давом эттирилади.

Азиз дўстлар!

Давлатимиз раҳбари **“Иқтисодий мустақилликка эришмасдан туриб, сиёсий мустақилликни таъминлаб бўлмайди”** деган эдилар. Мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз қарийб 6 баробарга ўсди. Унда sanoatning улushi 14 фоиздан 34 фоизга ошди. Охириги 11 йил давомида ялли ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиши 8 фоиздан кам бўлмаган даражада сақланмоқда. Фаол инвестиция сиёсати амалга оширилмоқда.

Лекин, ҳаммамизга аёнки, ўсиш суръатлари – бу шунчаки бир мақсад эмас. **Бундай ўсиш аввало халқимизга, ҳар бир фуқарога қандай наф етказиши, унинг дастурхониди, кундалик ҳаётида акс этиши биз учун муҳим масалалар.**

Айни шу нуқтага назардан, биз келгусида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида асосий диққат-эътиборни қуйидаги стратегик йўналишларга қаратишни зарур, деб ҳисоблаймиз.

**Биринчидан**, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва кейинги йилларда эришилган иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш. Шунингдек, миллий валютани, ички бозордаги нарх-наво барқарорлигини таъминлаш.

Молиявий соҳада эса – тармоқ ва ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш ҳисобидан маҳаллий бюджетнинг даромад базасини кенгайтириш лозим бўлади.

Туман ва шаҳарларда маҳаллий бюджетлар имкониятларининг кенгайтириши – шу ҳудудларда яшайдиган аҳолининг турмуш даражаси ва шароитлари яхшиланишига, умуман барқарорлик ва осойишталикка хизмат қилиши лозим.

**Агар биз шаҳар ва туман бюджетларининг даромадлар базасини кенгайтирмасак, ҳеч қачон ушбу ҳудудларни жадал ривожлантириш мумкин эмаслигини яхши англашимиз керак.**

**Иккинчидан**, иқтисодиётимизнинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини янада ошириш, унинг соҳа ва тармоқларини модернизация ва фаол диверсификация қилишдир.

**Бизнинг олдимизда 2030 йилга қадар ялли ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд кўпайтириш, иқтисодиётимиз таркибида sanoatning улushi 40 фоизга етказиш бўйича ўта муҳим вазифалар турибди.**

Шу мақсадда яқинда кимё sanoatini, рангли ва нодир металллар, углеводород хомашёсини қайта ишлаш, тўқимачилик, чарм-пойабзал, фармацевтика, мева-сабзавот маҳсулотлари ва қурилиш материаллари sanoatini ривожлантириш бўйича **8 та махсус дастур қабул қилинди.**

Ана шу дастурлар доирасида яқин беш йил ичида умумий қиймати қарийб 40 миллиард доллар бўлган 657 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Натижада sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баробар ортади.

Ҳозирги вақтда маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш имкониятига эга бўлган **тўқимачилик sanoatini** янада ривожлантириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилди. Мазкур дастур қиймати 2 миллиард 300 миллион доллар бўлган 140 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишни назарда тутди. Тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 3 баробар ошади.

(Давоми 3-саҳифада)

# ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ, ХАЛҚИМИЗ УЧУН ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА, МУНОСИБ ҲАЁТ ДАРАЖАСИНИ ЯРАТИШ – БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузаси

(Давоми. Бошланиши 1-, 2-саҳифаларда)

Яна бир муҳим масала. Арзон ва ишончли дори-дармон билан таъминлаш масаласида бугун биз аҳолимиздан қарздоримиз ва ўйлайманки, бу қарзни узиш вақти келди.

Айни пайтда биз тиббиёт ходимлари томонидан беморларга қиммат дориларни асосиз равишда тайинлашга, дорихона тармоқларида нарх-навонинг бесабаб ошиб кетишига йўл қўймайдиган энг қатъий чораларни кўраемиз. Давлат дорихона тармоқларида ҳаётий муҳим дори воситаларининг аниқ белгиланган нархларда сотилиши таъминланади.

Бу борада тасдиқланган дастурдаги ва ҳудудий 100 дан ортиқ лойиҳаларнинг амалга оширилиши 162 та янги, ҳозирги вақтда четдан олиб келинаётган дори воситаларини ўзимизда ишлаб чиқариш ва уларнинг умумий ҳажмини 2,5 баробар ошириш имконини беради.

Ҳаммамизга маълумки, ҳозирги вақтда Навоий, Жиззах ва Ангрен ҳудудларида эркин индустриал зоналар самарали фаолият кўрсатмоқда. Берилган имтиёзлар корхоналар томонидан инновацион лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширишга имкон яратмоқда.

Бу ижобий тажрибани кенгайтириш мақсадида Ургут туманида ҳам эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилмоқда. Яқин келгусида Қўқон шаҳри ва Ғиждувон туманида ҳам ана шундай ҳудудлар ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Учинчидан, аҳолимизнинг сони ва ёши таркибини ҳисобга олиб, аҳоли бандлиги муаммосига доир тизимли ишларни давом эттиришимиз зарур.

Яқинда Ҳукумат мажлисида депутат ва сенаторлар иштирокида 2017 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш дастури лойиҳаси муҳокама қилинди.

Дастур 390 минг кишини доимий иш жойи билан, 200 минг кишини – қишлоқ хўжалиги ҳамда қурилишда мавсумий ва вақтинчалик иш билан, 309 минг кишини – шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқлари, ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик оқрали иш билан таъминлашни назарда tutади.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда ҳар доимгидек Либерал-демократик партия аъзоларининг фаол қўллаб-қувватлаши ва ёрдамига умид қиламиз.

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш бўйича устувор вазифа – аввало ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишдир.

Бу борада замонавий интенсив агро-технологияларни кенг жорий этиш, маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини такомиллаштириш ҳамда чуқур қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳосилдорлиги паст ерларда пахта экишни қисқартириш сабзавот, дуккакли ва озуқабоп экин майдонларини кенгайтириш, илғор хорижий тажрибаларни қўлланган ҳолда, юқори технологияга асосланган интенсив боғ ва узумзорлар барпо этиш билан биргаликда олиб борилади.

Масалан, кейинги йилларда Сурхондарё вилоятида пахта ҳосилдорлиги пастлигича қолмоқда. Фермер хўжалиқларининг иқтисодий аҳоли йилдан-йилга ёмонлашмоқда. Томорқалардан фойдаланиш ҳам талаб даражасида эмас. Ваҳоланки, Сурхондарё вилоятининг тупроқ-иқлим шароитида февраль ойдан бошлаб бемалол 3 марта ҳосил олиш имкони бор.

Шунинг учун 2017 йилда тупроқ унумдорлиги паст ерлар ҳисобидан ушбу ҳудуднинг қарийб 18 минг гектар пахта ва 1000 гектар галла майдонлари қисқартирилади.

Ушбу майдонларда сабзавот ва мева етиштирилади, интенсив боғ ва тоқзорлар барпо этилади, иссиқхоналар ташкил қилинади. Натижада маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш ҳажми кескин кўпайиб, қў-

шимча қийматли экспортбоп маҳсулотлар тайёрланади. Бу аҳолининг манфаатдорлиги ошиши ва даромади янада кўпайишига олиб келади.

Ана шу масала бошқа вилоятларда ҳам босқичма-босқич қайта кўриб чиқилади ва бундай тадбирлар уларда ҳам давом эттирилади.

Яқин кунларда 2017-2020 йилларга мўлжалланган кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш якунига етказилади.

Дастурга мувофиқ, экин майдонларини оптималлаштириш, пахта майдонларини босқичма-босқич қисқартириш таъминланади.

Асосий эътибор экспортга йўналтирилган мева-сабзавот ва озиқ-овқат ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга, шунингдек, кичик ишлаб чиқариш шохобчаларини ташкил этиш ва сервис хизматлари кўрсатишга қаратилади.

Келгуси 5 йилда биз мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини 1,8 баробар ошириб, бугунги 17 фоиздан 30 фоизга кўпайтиришни вазифа қилиб қўймоқдамиз.

Қўшимча тарзда 200 минг тонна маҳсулот сақлаш қувватига эга бўлган со-вутгичли омборхоналар қурилади. Бу ўз навбатида янги иш ўринлари очиб, аҳоли даромадини кўпайтириш ва маҳаллий бюджетга қўшимча маблағ тушириш имконини беради.

Асосий вазифаларимиздан яна бири – қишлоқ хўжалигини молиялаштиришнинг мавжуд тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Бу ишларни амалга оширмасдан туриб, биз кафолатланган барқарор ҳосилдорликни, бутун агросаноат комплексини ривожлантиришни ва энг муҳими, фермерларнинг моддий манфаатдорлигини оширишни ва қишлоқ жойларда турмуш даражасини яхшилашни таъминлай олмаемиз. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши устувор вазифаларимиздан бири бўлиб қолади.

Бешинчидан, олдимизда турган яна бир вазифа – хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантиришга ҳалақит бераётган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этишдан иборат.

Бу борада кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжалиқларининг экспортдаги иштирокини янада рағбатлантириш бўйича қўшимча комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади.

Партияимизнинг асосий электорати бўлган тадбиркорлар фаолиятини жадал ривожлантириш жамиятимиз тараққиёти ва фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи, иқтисодийетимиз барқарор ўсишининг энг муҳим кафолатидир.

Маълумки, бугунги кунда тадбиркорлик соҳасининг ялли ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизга етди. Аҳолининг 78 фоизи айнан шу тармоқда меҳнат қилиб, мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бироқ, тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган қатор чоралар кўрилишига қарамасдан, доимий текширишлар, молиявий-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашувлар оқибатида тадбиркорлар ўз ишини вақтинча тўхтатишга, айрим ҳолларда эса умуман тугатишга мажбур бўлмоқда.

Жиноят ишларини тергов қилиш доирасида ўтказилаётган текширишларнинг узоқ муддат давом этиши тадбиркорларнинг ҳақли норозиликка сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, лицензия ва рухсатномалар бериш жараёни ойлаб чўзилиши тўғрисида фуқаролар тадбиркорлик билан ноқонуний тарзда шугулланишига ўзимиз замин яратмоқдамиз. Мансабдор шахсларнинг таъмагирлик ҳолатларига тўлиқ

чек қўйилмаган.

Текширув тартибларини бузиш ҳолатлари асосан солиқ, ёнғинга қарши кураш, санитария назорати, кадастр, табиати муҳофазат қилиш ва бошқа назорат қилувчи органлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида хўжалик судларида хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжалиқларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид 23 мингта иш кўрилиб, тадбиркорлар фойдасига 640 миллиард сўм ундириш ҳақида қарорлар қабул қилинган, 133 нафар айбдор мансабдор шахсларга нисбатан тегишли суд таъсир чоралари кўрилган.

Режадан ташқари ва муқобил текширишлар назорат органларига тадбиркорлик субъектларини исталган вақтда текшириш имконини беради. Улар орасида энг кенг тарқалган қисқа муддатли текширишга эса текширувчи идоранинг ўзи рухсат бермоқда. Текширишлар тирноқ остидан кир қидириш, камчилик топишга йўналтирилган бўлиб, охир-оқибатда тадбиркорларни синдиришмоқда.

Шу сабабли текшириш турлари, уларни ўтказиш тартиби ва асосларини танқидий кўриб чиқиш, назорат органларининг ваколатларини қатъий чеклаш, тадбиркорлар жавобгарлигини либераллаштириш бўйича аниқ чоралар кўриш вақти келди, деб ўйлайман.

Бу муаммоларни эътиборга олиб, яқинда қабул қилинган Фармонга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, улар фаолиятига ноқонуний аралашувни тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва профилактика самарадорлигини ошириш сиёсатимизнинг устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланди.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари ва муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинди.

Биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этиб, етказилган зарарни қоплаган тадбиркорлар маъмурий ва жиноий жавобгарликдан, жарималар ва молиявий санкциялардан озод қилинади.

Тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазони қўллаш бекор қилинди.

Хорижий инвестициялар иштирокида янгидан ташкил этиладиган ишлаб чиқариш корхоналарига давлат рўйхатидан ўтган вақтида амалда бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини беш йил мобайнида қўллаш ҳуқуқи берилди.

Тадбиркорлик фаолиятига аралашиб, фаолиятини асосиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги, шунингдек, уларга етказилган зарарни бевосита айбдорлардан ундириш тартиби белгиланди.

Мазкур Фармон билан Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида, Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида, Давлат харидлари тўғрисида ва Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги каби муҳим қонунларни қабул қилиш назарда тутилди.

Олтинчидан, мамлакатимиз иқтисодий қудратининг ўсиши, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга, айниқса, қишлоқ жойларда бунга эришиш – авваломбор, мамлакатимиз ҳудудларининг комплекс ва изчил ривожланиши билан белгиланишини яхши тушунамиз. Бу бизнинг ҳам яқин, ҳам узоқ муддатли истиқболдаги вазифамиздир.

Бугунги кунда 14 та ҳудуддан 5 таси ёки уларнинг 36 фоизи, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари

республика бюджетидан субвенция олувчи ҳудудлар қаторига кирилади.

Бундан ташқари, Жиззах ва Янгиер шаҳарлари ҳамда 167 та тумандан 121 тасида ёки 72 фоизда маҳаллий бюджет даромадлари субвенция ёрдамида шакллантирилмоқда.

Шу муносабат билан Биринчи Президентимиз томонидан тасдиқланган, бир қатор вилоятлар, Тошкент, Қарши, Шаҳрисабз, Термиз, Наманган, Урганч ва Гулистон шаҳарлари, шунингдек, Булунгур ва Нишон туманларининг sanoat салоҳияти ва инфратузилмасини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурлар ижросини таъминлашимиз зарур;

шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона вилоятларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари 2017 йилнинг биринчи ярим йилида ишлаб чиқиладиган тасдиқланади.

Мамлакатимиз ҳудуд ва минтақаларини замон талаблари асосида тараққий топтириш учун биз аниқ режа ва ҳисоб-китобларга эга бўлишимиз зарур.

Шу мақсадда ҳукуматимизнинг ташаббуси билан жорий йилнинг сентябрь-октябрь ойларида мамлакатимиздаги 182 та шаҳар ва тумандаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий ҳолат атрофлича ўрганиб чиқилди.

Чуқур таҳлиллар асосида ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусият ва имкониятлари, талаб ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, 2017-2021 йилларда туман ва шаҳарларни комплекс ривожлантириш бўйича муҳим дастурлар ҳар бир маҳалла кесимида ишлаб чиқилди.

Субвенция оладиган 81 та туман молиявий жиҳатдан ўзини ўзи тўла таъминлайдиган ҳудудга айланади, шунингдек, 41 та туман ва шаҳар бўйича субвенция даражаси кескин камаяди.

Бизнинг келгуси режаларимизда азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрини нафақат минтақамиз, балки дунёдаги энг гўзал ва обод мегаполислардан бирига айлантириш энг муҳим ва устувор масала бўлиб қолади.

Шу мақсадда миллий меъморлик ва шаҳарсозликнинг энг илғор ютуқ ва ечимларидан ижодий фойдаланган ҳолда, кенг миқёсдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишларини изчил давом эттириш эътиборимиз марказида бўлади.

Тошкент шаҳри учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик дастур – Сирғали туманида яқин келгусида 500 та кўп қаватли замонавий уй-жой барпо этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда.

Бу эса қарийб 30 минг оилани янги уй-жой билан таъминлаш имконини яратади. Шуниси эътиборлики, бу уйлар имтиёзли ипотека кредитлари асосида берилади ва эски, ҳеч бир шароити йўқ, пасткам уйларда яшаётган аҳолини босқичма-босқич замонавий уйлар билан таъминлаш имконини беради.

Шаҳарнинг барча туманларида янги маданият ва истироҳат боғлари барпо этиш, яшил майдон ва ҳудудларни янада кўпайтириш, коммунал ва савдо хизматлари сифатини яхшилаш, янги транспорт-коммуникация тармоқлари ва хизмат турлари, маданий-маиший объектлар бунёд этиш, ер устидан ўтадиган тезорар метро йўналишларини қуриш, бир сўз билан айтганда, одамларни ҳаётдан рози қилиш масаласига устувор аҳамият берилади.

Бугунги кунда ўз ечимини кутиб турган социал-ижтимоий масалаларни ҳал қилиш учун биз республика миқёсидаги 15 та мақсадли дастурни пухта ишлаб чиқишимиз ва амалга оширишимиз зарур.

Аввало, қишлоқ аҳолисининг эҳтиёж ва талабларини эътиборга олиб, қишлоқ

жойларда арзон уй-жойлар қуриш дастурини қабул қилиш кўзда тутилмоқда. Ушбу дастурга кўра, биргина келгуси йилнинг ўзида тўрт хил янги намунадаги, қулай ва арзон, бир ва икки қаватли 15 мингта замонавий уй-жой барпо этиш мўлжалланмоқда.

Бошлангич тўлов ҳажми икки баробар камайтирилиши ҳамда арзон лойиҳалар асосида барпо этилиши натижасида эҳтиёжманд оилалар алоҳида уй-жой ва хонадонларга эга бўлади.

Бундан ташқари, 2017-2020 йилларда шаҳар жойларда 945 та кўп қаватли уйлар қуриш дастури лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Дастурга кўра, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида ҳамда йирик шаҳарларда 50 мингта яқин уй-жойга муҳтож оилалар учун 5, 7 ва 9 қаватли арзон уйлар қурилади.

Келажақда тасдиқланган Қишлоқ аҳоли пунктларида ичимлик суви тармоқларини кенгайтириш ва модернизация қилиш дастури биз учун гоят қолзарб бўлган муаммоларни ҳал этишга қаратилади.

Бу муаммолар асосан қуйидагилардан иборат: биринчидан, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 67 фоизни ташкил этмоқда; иккинчидан, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида марказлашган ичимлик суви таъминотида муаммолар мавжуд.

Бу йўналишда ўтган даврда мамлакатимизда катта ишлар қилинганини албатта эътироф этиш зарур. Айни вақтда аҳолимиз сони ўсиб, охириги 25 йилда 10 миллионга кўпайди ва бугунги кунда 31 миллион 800 мингга ташкил этмоқда.

Шунинг учун нафақат янги оилалар ва маҳаллалар, балки ўнлаб янги-янги қишлоқ ва шаҳарчалар пайдо бўлаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, мавжуд вазият бу борада кечиктирилмасдан, самарали чоралар кўришни талаб этмоқда.

Бугунги кунда аксарият жойларда одамларни қийнаб келаётган ана шу муаммони ечиш мақсадида келгуси беш йил давомида қарийб 9 минг километр ичимлик суви тармоқлари, 1 минг 400 та кудуқ ва 3 минг 600 та сув иншооти қурилади ва реконструкция қилинади.

Бу эса Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Самарқанд, Тошкент, Хоразм вилоятларида 3,2 миллион аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва мамлакатимизда ушбу кўрсаткични 67 фоиздан 84 фоизга етказиш имконини беради.

Шу мақсадда Молия вазирлиги ҳузурида “Тоза сув” махсус жамғармаси ташкил этилади.

Ушбу устувор вазифаларни амалга ошириш учун ҳозирги вақтда Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигини ташкил этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўриб чиқилмоқда.

Бугунги кунда аҳоли ва корхоналар томонидан электр қуввати етказиб бериш масаласида кўплаб эътирозлар мавжуд эканини очиқ тан олиш керак. Бунинг сабаби шундаки, мамлакатимиз бўйича 67 фоиз паст қучланиши электр тармоқлари эскирган бўлиб, трансформатор пунктлари зўриқиб ишламоқда. Куз-қиш мавсумида уларни алмаштириш бўйича бажарилаётган ишлар эса масалани тубдан ҳал этаётгани йўқ.

Шунинг учун кафолатланган ва барқарор электр қуввати етказиб бериш мақсадида Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг электр энергияси таъминотини яхшилаш дастури ишлаб чиқилмоқда.

(Давоми 4-саҳифада)

# ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ, ХАЛҚИМИЗ УЧУН ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА, МУНОСИБ ҲАЁТ ДАРАЖАСИНИ ЯРАТИШ – БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузаси

(Давоми. Бошланиш 1-, 2-, 3-саҳифаларда)

Беш йил давомида электр энергияси ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш, 25 минг 300 километр паст кучланишли электр тармоқларини янгидан қуриш ва реконструкция қилиш, 5 минг 600 та эскирган трансформатор подстанцияларини алмаштириш назарда тутилган.

Навбатдаги долзарб масала **йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш** билан боғлиқ. Бугунги кунда аксарият қисми ачинарли аҳолига келиб қолган минтақавий ва маҳаллий аҳамиятга эга йўللарга ҳам эътибор қаратадиган вақт келди.

Баъзи бир рақамларга мурожаат қилсак, 75 минг километр ёки 64 фоиз ички йўлларимиз таъмирталаб аҳволда. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари яқин кунларда қишлоқ врачлик пунктлари, тез тиббий ёрдам станциялари, ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолиятини янада яхшилаш бўйича, шунингдек, хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантириш бўйича Ҳукуматнинг 4 та қарори лойиҳаси тайёрланмоқда.

Бунинг учун, аввало, миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ижтимоий тармоқларга жойлаштириш ва уларни кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор беришимиз муҳим аҳамият касб этади.

Ўзининг ноёб истеъдоди ва маҳоратини халқимиз маънавиятини юксалтиришга бағишлаган, инсон қалбининг муҳандислари бўлган **ижодкор зиёлиларга доимий эътибор** масаласи бизнинг дастуримизда алоҳида ўрин эгаллайди.

Ижодий ташкилотлар, бадий уюшмалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базасини, инфратузилма тармоқларини мустаҳкамлаш ишларига эътибор янада кучайтирилади.

Ижодкор зиёлиларимизнинг энг яхши асарларини юртимизда ва чет элларда тарғиб этишни биз маънавий-маърифий соҳадаги сиёсатимизнинг муҳим бир қисми сифатида давом эттирамиз. Айниқса, маданият, санъат, адабиёт ва матбуот оламига кириб келаётган иқтидорли ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга, уларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилади.

Юртимизда ўтказилаётган ижодий танлов ва фестивалларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, бадий асарлар учун тўланадиган қалам ҳақи миқдорини қайта кўриб чиқиш, ижодий ва интеллектуал мулк эгалларининг манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари диққатимиз марказида бўлади.

Бундай эътибор ва амалий гамхўрлик нафақат ижод аҳлига, айни пайтда, жонкуяр ўқитувчи ва домлаларга, тиббиёт ходимларига, ҳарбий хизматчиларимиз ва ҳуқуқ-тартибот посбонларига, бир сўз билан айтганда, давлат бюджетидан маош оладиган барча фидойи юртдошларимизга тааллуқли эканини алоҳида таъкидлашни зарур деб биламан.

Ҳурматли съезд қатнашчилари! Олдимизда турган энг муҳим ва долзарб масалалардан бири – **юксак маънавият, замонавий билим ва касб-ҳунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборат** эканини барчамиз яхши тушунамыз.

Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, бу нақадар жиддий масала экани янада яққол аён бўлади.

Шу ўринда **фарзандларимизнинг қалби ва онгига мафқуравий иммунитетни кучайтириш** билан боғлиқ вазифаларга қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Аваламбор, “оммавий маданият” кўринишида кириб келаётган турли таҳдидлар, гиёҳвандлик, диний экстремизм, миссонерлик каби бало-қазолардан ёшларимизни асрашга, уларнинг таълим-тарбиясига ҳар биримиз масъул эканимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Бу борада биз асрлар мобайнида шаклланган миллий аъноларимизга, аждодларимизнинг бой маънавий меросига таянамыз.

Ёшларимиз ўртасида ҳуқуқий маданият, соғлом турмуш тарзини, жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилишга қаратилган ишларнинг самарасини оширишни бугун даврнинг ўзи талаб этмоқда. Бу борадаги дастурларда белгиланган тадбирларнинг ижроси яқинда янгидан қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун нормалари асосида қатъий давом эттирилади.

Шу ўринда табиий савол туғилади. Биз кўплаб дастурларни қабул қилмоқдамиз, лекин уларни амалга оширадиган, ташаббускор ва ватанпарвар, юқори малакали кадрлар етарлими? Олий ўқув юртларида тайёрланаётган мутахассислар олдимизга қўйилган бундай улкан вазифаларни бажаришга қодирми? Уларга таълим бераётган ўқитувчи ва профессорларнинг билим ва малакаси давр талабига жавоб берадими? Минг афсуски, бу саволларга жавоб бериш осон эмас.

Биз бу йўналишдаги ишларимизни танқидий баҳолаган ҳолда, **2017-2021 йилларда Олий ўқув юртлари тизимини янада ривожлантириш бўйича дастур** ишлаб чиқишимиз ва уни ҳаётга татбиқ этишимиз керак бўлади.

Шу билан бирга, **“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини** бугунги куннинг ўткир талаблари нуқтаи назардан танқидий кўз билан қайта кўриб чиқишимиз лозим.

Аввало, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўзини мустаҳкамлаш, унинг мамлакатимиздаги барча ёшлар чин дилдан интиладиган ташкилотга, ортиқча тадбирлар ўтказиш ва расмийлаштириш куришиларидан холи бўлган, ёшлар манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячисига айланишига эришиш зарур. Унинг жойлардаги тузилмалари фаолиятини, хусусан, шаҳар ва туманларда, узоқ қишлоқ ва маҳаллаларда уюшмаган ёшлар ўртасида олиб бориладиган ишларни кучайтириш бўйича ҳали олдимизда катта вазифалар турибди.

Ёшлар билан ишлаш масаласи ижтимоий сиёсатимизнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб, бу борада кенг қўламли чора-тадбирлар дастурини амалга оширишни тақозо этади.

Ҳурматли дўстлар! Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан ташқи сиёсат бўйича ишлаб чиқилган принцип ва ёндашувларга тўлиқ амал қилиш сайловолди дастуримизнинг муҳим таркибий қисмидир.

Ташқи сиёсатимизнинг асосини тинчликпарварлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, юзага келадиган зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат тинч, сиёсий йўл билан ҳал этиш, барча хоржиий давлатлар ва жаҳон ҳамжамияти билан амалий ҳамкорлик ташкил этади.

Мамлакатимиз ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмайди, бошқа давлатларнинг ҳарбий база ва объектлари Ўзбекистон ҳудудига жойлаштиришга, шунингдек, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ҳудудидан ташқарида бўлишига йўл қўйилмайди.

Биз ташқи сиёсатини амалга оширишда барча давлатлар, биринчи навбатда, кўшн мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз.

Айнан шундай сиёсатни давом эттиришни бугунги кунда дунёда вужудга келаётган мураккаб вазиятнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мухтарам ватандошлар! Азиз партиядошлар! Биз сайловолди дастурида белгилаб олган давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ислоҳ қилишдаги энг муҳим мақсад ва устувор вазифаларимизни ҳаётга татбиқ этишда аввало **сиз, азизларга,**

бўйича эса 17 фоизга бажарилган, холос.

Шу сабабли аҳолига кўмир етказиб бериш тизимини такомиллаштириш, унинг нархи сунъий равишда ошиб кетишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилади.

Бизнинг биринчи даражали вазифаларимиз қаторида **ижтимоий соҳани янада ривожлантириш** муҳим аҳамият касб этади.

Ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналиши бўлган **мактабгача таълим-тарбия тизимининг** моддий-техник базасини мустаҳкамлаш эътиборимиз марказида бўлади. Жумладан, давлатга қарашли 1 миллион 109 минг ўринли 2 минг 200 та болалар боғчасини қуриш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш масалалари ҳал этилади.

**Соғлиқни сақлаш соҳасини** янада ислоҳ қилиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан ошириш мақсадида яқин кунларда қишлоқ врачлик пунктлари, тез тиббий ёрдам станциялари, ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолиятини янада яхшилаш бўйича, шунингдек, хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантириш бўйича Ҳукуматнинг 4 та қарори лойиҳаси тайёрланмоқда.

Мухтарам аёлларимизга эътибор ва гамхўрлик кўрсатиш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган яхши биламиз.

Жамиятимизда тинчлик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб вояга етказишда беқиёс ўрин тутадиган хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги нуфузини янада оширишимиз зарур. Улар учун муносиб шарт-шароитлар, янги иш ўринлари яратиш, ола-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, истеъдод ва қобилиятини рўйбга чиқариш бундан кейин ҳам муҳим вазифа ҳисобланади.

Маълумки, хонадонларимизнинг файзу фариштаси бўлган **нуроний отахон ва онахонларимизни эъзозлаш**, уларни ҳаётдан рози қилиш, кўлимиздан келганча умрларини узайтириш асрлар давомида энг улғу қадриятларимиздан бири бўлиб келмоқда. Чунки, мўтабар кексаларнинг насихатлари, дуолари билан ҳаётимиз файзли, юртимиз тинч ва обод, хонадонларимизда кут-барака барқарор, десак, ҳеч қандай муҳолага бўлмайди. Доно халқимизнинг **“Қариси бор уйинг париси бор”** деган ҳикматли сўзларида чуқур маъно бор.

Ҳақиқатан ҳам, бизнинг мана шундай ёрғу кунларга етиб келишимиз учун ўзини аямасдан меҳнат қилган бундай табарруқ инсонларга хизмат қилиш, дуосини олиш, улар учун муносиб турмуш шароитларини яратиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар кўришни биз ўзимизнинг эзгу ва савобли вазифамиз деб биламиз.

Шу борада **Ёши улғу инсонлар, ёлғиз кексалар ва имконияти чекланган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш дастури** тайёрланмоқда.

“Нуроний” жамғармасининг мақоми ва мавқеини кўтариш, унинг туман, вилоят ва республика тузилмаларининг штат бирикларини кўпайтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берилди.

Мухтасар айтганда, бу жамғарма келгусида кекса авлод вакилларига том маънода кўмак берадиган фаол ташкилотга айланиши учун барча тегишли чораларни кўрамыз.

Маълумки, Ўзбекистон – улкан табиий захиралар, иқтисодий ва инсоний салоҳиятга бой мамлакат. Аммо, Яратганнинг ўзи ато этган яна бир бебахор бойлигимиз борки, у ҳам бўлса, **халқимизнинг беқиёс интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир.**

Илм-фан намоёндаларининг, таъбир жоиз бўлса, “иғна билан қудуқ қазийдиган” заҳматқаш олимларимизнинг маънавият ва илмий изланишлари мамлакатимиз, унинг бугунги ва келгуси равнақи учун жуда катта аҳамиятга эга. Бу фидойи инсонлар учун ҳар томонлама қулай ша-

роитлар яратиш мақсадида биз бор куч ва имкониятларни сафарбар этамыз.

Бугунги кунда **ахборот-коммуникация технологиялари, Интернет тизимини** кенг ривожлантирмасдан туриб, мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, барқарор тараққиётга эришиш ҳақида сўз юритиш мумкин эмас.

Ҳаётимизнинг энг муҳим жабҳалари учун юксак технологиялар, илмий ишланмалар яратиш, малакали мутахассислар тайёрлаш, жаҳон ахборот технологиялари бозорига муносиб ўрин эгаллаш масаласига устувор аҳамиятга эга вазифа сифатида қарашимиз зарур.

Айни вақтда ахборот-коммуникация соҳасидаги охириги ютуқларни ўзлаштириш билан бирга, **ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини оширишга, уларни китоб билан дўст бўлишига, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга** алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Бунинг учун, аввало, миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ижтимоий тармоқларга жойлаштириш ва уларни кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор беришимиз муҳим аҳамият касб этади.

Ўзининг ноёб истеъдоди ва маҳоратини халқимиз маънавиятини юксалтиришга бағишлаган, инсон қалбининг муҳандислари бўлган **ижодкор зиёлиларга доимий эътибор** масаласи бизнинг дастуримизда алоҳида ўрин эгаллайди.

Ижодий ташкилотлар, бадий уюшмалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базасини, инфратузилма тармоқларини мустаҳкамлаш ишларига эътибор янада кучайтирилади.

Ижодкор зиёлиларимизнинг энг яхши асарларини юртимизда ва чет элларда тарғиб этишни биз маънавий-маърифий соҳадаги сиёсатимизнинг муҳим бир қисми сифатида давом эттирамиз. Айниқса, маданият, санъат, адабиёт ва матбуот оламига кириб келаётган иқтидорли ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга, уларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилади.

Юртимизда ўтказилаётган ижодий танлов ва фестивалларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, бадий асарлар учун тўланадиган қалам ҳақи миқдорини қайта кўриб чиқиш, ижодий ва интеллектуал мулк эгалларининг манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари диққатимиз марказида бўлади.

Бундай эътибор ва амалий гамхўрлик нафақат ижод аҳлига, айни пайтда, жонкуяр ўқитувчи ва домлаларга, тиббиёт ходимларига, ҳарбий хизматчиларимиз ва ҳуқуқ-тартибот посбонларига, бир сўз билан айтганда, давлат бюджетидан маош оладиган барча фидойи юртдошларимизга тааллуқли эканини алоҳида таъкидлашни зарур деб биламан.

Ҳурматли съезд қатнашчилари!

Олдимизда турган энг муҳим ва долзарб масалалардан бири – **юксак маънавият, замонавий билим ва касб-ҳунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборат** эканини барчамиз яхши тушунамыз.

Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, бу нақадар жиддий масала экани янада яққол аён бўлади.

Шу ўринда **фарзандларимизнинг қалби ва онгига мафқуравий иммунитетни кучайтириш** билан боғлиқ вазифаларга қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Аваламбор, “оммавий маданият” кўринишида кириб келаётган турли таҳдидлар, гиёҳвандлик, диний экстремизм, миссонерлик каби бало-қазолардан ёшларимизни асрашга, уларнинг таълим-тарбиясига ҳар биримиз масъул эканимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Бу борада биз асрлар мобайнида шакл-

ланган миллий аъноларимизга, аждодларимизнинг бой маънавий меросига таянамыз.

Ёшларимиз ўртасида ҳуқуқий маданият, соғлом турмуш тарзини, жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилишга қаратилган ишларнинг самарасини оширишни бугун даврнинг ўзи талаб этмоқда. Бу борадаги дастурларда белгиланган тадбирларнинг ижроси яқинда янгидан қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун нормалари асосида қатъий давом эттирилади.

Шу ўринда табиий савол туғилади. Биз кўплаб дастурларни қабул қилмоқдамиз, лекин уларни амалга оширадиган, ташаббускор ва ватанпарвар, юқори малакали кадрлар етарлими? Олий ўқув юртларида тайёрланаётган мутахассислар олдимизга қўйилган бундай улкан вазифаларни бажаришга қодирми? Уларга таълим бераётган ўқитувчи ва профессорларнинг билим ва малакаси давр талабига жавоб берадими? Минг афсуски, бу саволларга жавоб бериш осон эмас.

Биз бу йўналишдаги ишларимизни танқидий баҳолаган ҳолда, **2017-2021 йилларда Олий ўқув юртлари тизимини янада ривожлантириш бўйича дастур** ишлаб чиқишимиз ва уни ҳаётга татбиқ этишимиз керак бўлади.

Шу билан бирга, **“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини** бугунги куннинг ўткир талаблари нуқтаи назардан танқидий кўз билан қайта кўриб чиқишимиз лозим.

Аввало, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўзини мустаҳкамлаш, унинг мамлакатимиздаги барча ёшлар чин дилдан интиладиган ташкилотга, ортиқча тадбирлар ўтказиш ва расмийлаштириш куришиларидан холи бўлган, ёшлар манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячисига айланишига эришиш зарур. Унинг жойлардаги тузилмалари фаолиятини, хусусан, шаҳар ва туманларда, узоқ қишлоқ ва маҳаллаларда уюшмаган ёшлар ўртасида олиб бориладиган ишларни кучайтириш бўйича ҳали олдимизда катта вазифалар турибди.

Ёшлар билан ишлаш масаласи ижтимоий сиёсатимизнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб, бу борада кенг қўламли чора-тадбирлар дастурини амалга оширишни тақозо этади.

Ҳурматли дўстлар! Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан ташқи сиёсат бўйича ишлаб чиқилган принцип ва ёндашувларга тўлиқ амал қилиш сайловолди дастуримизнинг муҳим таркибий қисмидир.

Ташқи сиёсатимизнинг асосини тинчликпарварлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, юзага келадиган зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат тинч, сиёсий йўл билан ҳал этиш, барча хоржиий давлатлар ва жаҳон ҳамжамияти билан амалий ҳамкорлик ташкил этади.

Мамлакатимиз ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмайди, бошқа давлатларнинг ҳарбий база ва объектлари Ўзбекистон ҳудудига жойлаштиришга, шунингдек, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ҳудудидан ташқарида бўлишига йўл қўйилмайди.

Биз ташқи сиёсатини амалга оширишда барча давлатлар, биринчи навбатда, кўшн мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз.

Айнан шундай сиёсатни давом эттиришни бугунги кунда дунёда вужудга келаётган мураккаб вазиятнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мухтарам ватандошлар! Азиз партиядошлар! Биз сайловолди дастурида белгилаб олган давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ислоҳ қилишдаги энг муҳим мақсад ва устувор вазифаларимизни ҳаётга татбиқ этишда аввало **сиз, азизларга,**

**Либерал-демократик партияси аъзоларига, бизга хайрихоҳ ва тарафдор бўлган барча юртдошларимизга таянамыз.**

Биз ўтган даврда партияимизнинг сиёсий соҳада орттирган тажрибаси, унинг мамлакатимизда ўрта синф – мулкдорлар синфи деб ном олган янги ижтимоий қатламни шакллантириш йўлида амалга оширган кенг қўламли ишларини, халқимиз орзу-интилишларининг ифодачиси сифатида олиб бораётган фаолиятини албатта муносиб баҳолаймиз.

Айни вақтда мамлакатимизда сиёсий партиялар ўртасида рақобат кучайиб бораётган ҳозирги босқичда Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг жамиятимиздаги нуфузи ва таъсирини ошириш, эл-юртимизнинг ҳар томонлама ишончини қозониш энг муҳим ва долзарб вазифага айланмоқда.

Айниқса, партияимизнинг “Ёшлар қаноти”ни янада кучайтириш, унинг азму шижоатли, ташаббускор йигит-қизларимизни ўз атрофида бирлаштиришга қаратилган фаолиятини жонлантиришимиз зарур.

Буюк соҳибқирон Амир Темур бобомиз биз – авлодларга қолдирган васиятида гоят муҳим бир фикрга алоҳида урғу бериб, **“Эл дардига дармон бўлмоқ – эзгу вазифангиздир”**, деб таъкидлагани албатта бежиз эмас.

Партияимиз ана шундай улғу вазифани ўз зиммасига олишга интилар экан, бунга ҳар жиҳатдан муносиб бўлиши даркор.

Шу маънода, Бош вазирнинг яқинда ташкил этилган виртуал қабулхонасига юртдошларимиздан кўплаб ҳақли мурожаатлар тушаётгани ва уларда кўтарилган кўпгина масалалар ўз ечимини топаётганини бугун алоҳида қайд этиш лозим.

Айтиш керакки, бу вақтинчалик эмас, балки доимий равишда ишлайдиган тизим сифатида ўз фаолиятини давом эттиради.

Мана, кун давомида аҳолидан менинг номимга электрон шаклда келиб тушаётган ҳар бир мурожаатни ўқиб, уларнинг ечими бўйича тегишли мутасаддиларга топшириқлар бераман ва ижросини шахсан ўзим ҳар куни назорат қилиб борапман.

Яқин кунларда ҳар бир туман ва шаҳарда, барча вилоятларда бундай қабулхоналар Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг **“Халқ қабулхоналари”** сифатида ташкил этилади. Бу тизим фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини, одамларни қийнаётган муаммоларни жойида ўрганиб, ҳал этиш билан мунтазам шуғулланади.

**Ҳеч шубҳасиз, бу ишларнинг тўғри йўлга қўйилиши партияимизнинг аҳоли ва сайловчилар ўртасидаги обрў-эътиборини оширишга хизмат қилади. Энг асосийси, бундан эл-юртимизга наф бўлади, халқимиз барчамиздан ва давлатдан рози бўлади.**

Мухтарам ватандошлар!

Азиз партиядошлар! Биз сизлар билан биргаликда сайловолди дастуримизда давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ислоҳ қилиш борасидаги энг муҳим мақсад ва устувор вазифаларни белгилаб олдик.

Ана шу улкан режаларимизни ҳаётга татбиқ этишда биз биринчи навбатда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзолари, барча юртдошларимиз, бутун халқимизнинг ақл-заковати ва бунёдкорлик салоҳиятига таянган ҳолда иш олиб борамиз.

Фақатгина халқимизнинг азму шижоати ва қудрати, буқилмас иродаси ва қатъияти, энг муҳими, мустақил тараққиётга бўлган мустаҳкам ишончи буюк мақсадларимизга эришишимиз бирдан-бир кафолатидир.

Азиз юртдошлар! Барчамиз учун Ватан битта! Битта мақсад бизни бирлаштиради.

У ҳам бўлса, **Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигидир. Батаққор юртимизга, олижаноб халқимизга садоқат билан хизмат қилиш – барчамизнинг энг шарафли ва муқаддас бурчимиздир.**

# ЖАРАЁН

## СЎЗ – СЪЕЗД ДЕЛЕГАТЛАРИГА



**Содиқхон ТУРДИЕВ,**

O'zLiDeP  
Сибсий Кенгаши  
Ижроия қўмитаси  
раиси:

– Бугунги кунда дунёнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий манзараси ўзгариб, турли минтақаларда юз бераётган зиддият ва низолар ҳамон сақланиб турган бир даврда истиқлол йилларида Биринчи Прези-

дентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида эришган энг катта бойлигимиз – тинч ва осойишта ҳаётимизни асраш, шу заминдаги барча инсонларнинг ўзаро меҳр-оқибат кўрсатиб яшаши, уларнинг бахт-саодати ва

ҳаётининг янада фаровон бўлишини таъминлаш, халқни мустақил тараққиёт йўлидан етаклаш, мамлакат етакчисидан матонат ва улкан фидойиликни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиямиздан номзоди кўрсатилган Шавкат Миромонович Мирзиёев мустақиллигимизнинг илк йилларидан ислохотларнинг ҳал қилувчи мураккаб босқичларида ўзини ҳар томонлама кўрсатган, давлат ҳокимияти бошқарувида катта таъриба тўплаган юксак салоҳиятли раҳбар сифатида ана шу масъулиятли вазифани зиммасига оладиган муносиб номзоддир.

Айниқса, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида пайдо бўлган партиямиз электоратининг негизи, яъни ўрта синф – тадбиркорлар, фермер ва ишбилармонлар қатлами шаклланиши ва иқтисодиётимизнинг таянчига айланишида номзодимизнинг муносиб ҳиссасини, машаққатли меҳнатини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шунинг учун ҳам барча сафдошларимизни партиямиздан кўрсатилган номзодни яқдиллик билан қўллаб-қувватлашга чақираман ва буни бугунги куннинг энг тўғри қарори деб биламан.



Салих Зоир олган суратлар



**Абдуқодир ТОШҚУЛОВ,**

Олий Мажлис  
Қонунчилик палатасидаги  
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:


– Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод, Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Сайловолди дастурини диққат билан тинглаб, ушбу дастур “халқ учун тинч ва муносиб ҳаёт яратиш, халқнинг дарду ташвишлари ва муаммоларини ечиш” вазифалари билан бошланганлигига амин бўлдим. Дастурда аҳолини электр энергия, ичимлик суви, маҳалла ва овуллар йўллари, арзон уй-жойлар, дори-дармон, умуман олганда, халқимизнинг кўнглидаги дардларига дармон бўладиган масалаларнинг барчаси қамраб олинган.

Сайловолди дастури аввалида дунёнинг бугунги манзараси, глобал муаммолар кенг очиб берилди. Бунда геосиёсий манфаатлардан тортиб, носоглом рақобат, жаҳон иқтисодий инқирози, дунё бозорларидаги беқарорлик, миграция, терроризм, ахборот хавфсизлиги, “оммавий маданият” гача бўлган таҳдидлар тушунтириб берилди.

Дастурдаги устувор йўналиш ва вазифаларга келсак, улар чиройли рақамлар устида эмас, балки одамлар ҳаётидаги мавжуд муаммолар асосида белгилангани эътиборни тортади.

Аввало, номзодимизнинг Сайловолди дастурида иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш, миллий валюта ва ички бозордаги нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, энг муҳими, маҳаллий бюджетни, туманлар бюджетини кенгайтириш орқали ҳудудлар имкониятларини ошириш назарда тутилмоқда. Бу эса, ҳаётимиздаги муаммоларни ҳал этиши аниқ.

Қолаверса, номзодимиз Сайловолди дастурида алоҳида тилга олинган эркин индустриал зоналарнинг Ургут, Ғиждувон туманлари, Кўқон шаҳрида ҳам яратилиши жуда пухта ўйланганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.



**Агрипина ШИН,**

Тошкент ахборот  
технологиялари  
касб-ҳунар коллежи  
директори:

– Истиқлолга эришилган илк кунлардан бошлаб халқимиз янги иқтисодий муносабатларга ўтиш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги дадил оидилламоқда. Бу йўлда учраган айрим қийинчилик ва муаммоларни қатъият билан енгиб ўтмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида Ўзбекистон мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришди. Ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамияти юртимизни барқарор ривожланиётган, инсон манфаати, бахту иқболи асосий қадриятга айланган мамлакат сифатида эътироф этаёпти. Мустақиллик шарофати билан қўлга киритган энг катта ютуғимиз эса тинчлик-осойишталик, барқарорлик,

миллатлараро аҳиллик, ҳамжиҳатликдир. Ана шундай хайрли мақсадларнинг амалга ошишига O'zLiDeP ҳам муайян ҳисса қўшиб келаётганини мамнуният билан қайд этишни истардим.

Узоқ йиллар Ўзбекистоннинг Биринчи Президентига елкадош бўлган Шавкат Мирзиёев ўзининг бутун куч-ғайрати ва салоҳиятини туб ислохотларни рўёбга чиқаришга, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига, унинг ҳар бир ҳудуди беқиёс даражада ўзгаришига сарфламоқда. У ўз ҳаётини юртимиз тақдирланаётган, инсон манфаати, бахту иқболи асосий қадриятга айланган мамлакат сифатида эътироф этаёпти. Мустақиллик шарофати билан қўлга киритган энг катта ютуғимиз эса тинчлик-осойишталик, барқарорлик,

Айтиш керакки, энг замонавий ўқув жиҳозлари, адабиётлар ва дарсликлар билан таъ-

минланган минглаб муҳташам таълим муассасалари юртимиз кўркига кўрк қўшиб турибди. Шавкат Мирзиёев ҳукуратимиз раҳбари сифатида қарий барча ўқув даргоҳлари ҳолатидан, у ерда кечаётган жараёнлардан яхши хабардор. Шу ўринда таъкидлашни истардимки, мамлакатимизда чет тилларни ўрганиш бошланғич синфлардан йўлга қўйилган, педагогик кадрлар малакасини ошириш тизими самарали фаолият юритмоқда, ўқув жараёнларини оптимallasштириш бўйича янги технологиялар амалиётга жорий этилган.

Олий ўқув юртлири, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларнинг юз минглаб битирувчилари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, янгилашларда фаол қатнашмоқда, Ўзбекистоннинг бугуни ва эртасини белгилайдиган етакчи кучга айланмоқда.

Шавкат Мирзиёев юртимизда амалга оширилаётган ислохотларни янада муваффақиятли давом эттириш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор ва талабчан, жонкуяр ва ватанпарвар.

**Мурод НАЗАРОВ,**

"Murad Buildings"  
МЧЖ раҳбари:



юртда кўпчилик тадбиркорлар ёшлари бир жойга боргандагина кўзга кўринарли натижага эришади. Бизда эса, ҳозирги кунда кўллаб ёшлар йирик корхоналарни бошқармоқда. Йигит-қизларимиз ўз хусусий бизнесларини самарали йўлга қўйишган. Ўзимдан қиёс. Оддий ўқитувчилар оиласидан чиқиб, ҳозирги кунда мулкдор бўлдим.

Бунёдкорлик фаолиятим орқали мамлакатимиз тараққиётга оз бўлсада ҳисса қўшаётганимдан ва халқимга нафим тегаётганидан фахрланаман. Буларнинг барчаси шу юртининг меҳри, файзи ва баракоти, берган таълим ва тарбияси орқасидан, қолаверса, юртимизда биз ёшларга яратилган улкан имкониятлар тўғрисида.

## БОШ ВАЗИРНИНГ ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИ

**Қарши шаҳрида яшовчи “Qarshi Grand Tour” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Адҳам Асадовнинг уйига “O'zsanooatqurilishbank”дан хат келди. Унда шундай жумлаларни ўқийсиз: “Ўзбекистон Республикаси Бош вазири виртуал қабулхонасига 12 октябрда йўллаган мурожаатингиз юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз: Сизнинг “Qarshi Grand Tour” масъулияти чекланган жамиятига меҳмонхона фаолиятини ташкил этиш мақсадида инвентар ва жиҳозлар сотиб олиш учун 1 миллиард сўм кредит ажратиш масаласи банк Кредит қўмитаси муҳокамасига киритилди. Қўмита ушбу масалани кўриб чиқиб, кредит ажратиш бўйича ижобий қарор қабул қилди.”**

# Адолат – тараққиёт омили

– Кредит олиш учун ойлаб банк эшиги олдида саргайдим, – дейди тадбиркор. – Ҳали уни, ҳали буни баҳона қилиб, бу масала орқага сурилиб келинаётган эди. Шу давр мобайнида “Фалончи тадбиркорга 100, бунисига 500 миллион кредит ажратилди, деган гапларнинг ҳаммаси ёлгон экан-да”, деган ўй билан яшаганимниям яширмайман. “Наҳотки, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинаётган қонунлар ҳужажурсинга бўлса”, “Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг “Тадбиркорнинг орқасида мен турибман”, деган гаплари қаерда қолди”, каби ўй-хаёллар менга тинчлик бермасди. Ниҳоят сўнги илжинг сифатида Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига шикоят ёздим. Орадан кўп ўтмай, “O'zsanooatqurilishbank” менга кредит ажратишга рози бўлди. Шундан кейин виртуал қабулхона орқали ёзилаётган ҳар бир мурожаат Бош вазиримизнинг назоратида эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Аризамнинг ижобий ҳал этилгани нафақат тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилади, балки ҳукуматга, давлатга бўлган ишончимни янада мустаҳкамлайди. Банк ажратган мазкур кредитдан оқилона фойдаланиб, қўшимча иш ўрни яратишга ваъда бераман.

Мақола ёзиш баҳонасида турли ахборот сайтлари ва ижтимоий тармоқларда Бош вазирнинг электрон қабулхонаси ҳақида айрим фикр-мулоҳазалар билан қизиқдим. Бош вазирга мурожаат қилиб, ижобий жавоб олган одамларнинг кўнгли кечинмаларини ўқиб, тўлқинланиб кетади, одам. Энг асосийси, халқимизнинг эртанги кунга ишончи янада мустаҳкамланмоқда. Ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг “Бош вазирга ташаккур”, “Виртуал қабулхона фаолиятини янада такомиллаштириш керак”, “Халқ билан Бош вазир ораси – бир қадам” каби изоҳлар жамият ва давлатга бўлган ишончининг еркин ифодаси десак, муболага қилмаймиз. Аҳоли эса ўз мурожаатларига бефарқ, эътиборсиз бўлмаган идоралар фаолиятига ишонди.

– Виртуал қабулхона ишга тушгач, банк соҳасида катта ўзгаришлар бўлди, – дейди Вобкент тумани Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки масъул ходими Баҳодир Саломов. – Хусусан, кредит олиш учун қилинаётган мурожаатлар сони кескин кўпайган. Улар орасида коллеж битирувчиларининг сафи анча кенгайган. Шунинг билан айтиш мумкинки, мамлакатимизда фаолият юритаётган аксарият банклар айна кунларда кредит сибсатини янада либерallasштириш, мижозлар манфаатига мослаштириш ҳақида бош қотиряпти.

Таъкидлаш жоиз, виртуал қабулхонага ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ижро ҳокимиятлари устидан ҳам кўллаб шикоятлар келиб тушмоқда. Бу ҳақда газетамизнинг ўтган сонида ҳам маълум қилган эдик. Косонсойлик “Мадор – текс” корхонаси таъсисчилари-

дан бири А. Парпиев ҳам виртуал қабулхонага вилот ҳўжалик суди ҳукмидан норози бўлиб мурожаат қилган эди.

– Бозор иқтисодиёти шароитида корхона ташкил этишнинг ўзи бўлмади, – дейди у. – Бунинг учун, энг аввало, бозордаги талаб ва тақлифни ўрганиш, ўз ишининг усталарини ҳамкорликка чақариш лозим. Шундан ишлаб чиқарувчи ишдан барака топади. Биз ташкил этган “Мадор – текс” корхонаси бу босқичлардан ўтган эди. Махсулотларимиз харидорлар ишончини қозониб улгурганди. Табиийки, фойда ҳам шунга яраша эди. Аммо корхонанинг яна бир таъсисчиси А. Хусанов кўпроқ фойда олиш илжини мени корхона таъсисчиларидан чиқариб ташламоқчи бўлди. Унинг қонуний вақили М. Нишанова мени корхона таъсисчилари сафидан чиқариб ташлаш ҳақида вилот ҳўжалик судига даъво аризаси киритди. Суд унинг даъвосини қондирди.

Шундан кейин А. Парпиев суд ҳукмидан норози бўлиб O'zLiDePда ташкил этилган виртуал қабулхона орқали Бош вазирга шикоят қилди.

– Илгари ҳам тадбиркорлар суд ёки мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилиши мумкин эди, – дейди тадбиркор. – Аммо бу аризаларнинг аксарияти эътибордан четда қоларди. Шавкат Мирзиёевга шикоят йўллаганимдан сўнг адолат қарор топганидан ва менинг ҳақ-ҳуқуқларим қайта тикланганидан бениҳоя хурсандман. Бунинг учун Бош вазиримизга минг бор ташаккур!

Дарвоқе, мазкур шикоят юзасидан Наманган вилоти прокуратураси А. Парпиевга жавоб хати юборди. Хатда вилот судининг ажримий Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори талабларига зид деб топилгани ва суд қарорини бекор қилиш юзасидан протест келтирилгани маълум қилинган.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Агар ҳуқуқимиз бузилса, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қиламиз. Дардимизни айтмас, нажот кутамиз. Улар биз учун адолат тимсолига айланган. Аммо улар бизни эшитмасми? Бошқалар билан тил бириктириб, улар фойдасига ҳукм чиқарса-чи? Бош вазирнинг электрон қабулхонасига ёзамиз, дейсизми? Бизнингча, виртуал қабулхона мамлакатимиздаги катта-кичик раҳбарларни сергаж тортириши, зиммасидаги масъулиятни тўла англаб етиши ва ўзларининг ҳар бир хатти-ҳаракати назоратда эканини эслатиб туриши лозим. Халқ манфаатидан келиб чиқиб, адолат мезонларига таянган ҳолда қарор қабул қилишга ўргатиши керак.

**Ҳасан САЛОМОВ,**  
“XXI asr” мухбири

# Мурожаатлар эътиборсиз қолмайди

**Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Қашқадарё вилот Кенгашида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш, қайта ишлаш ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номига йўналтириш мақсадида ташкил этилган “Ўзбекистон Республикаси Бош вазири виртуал қабулхонаси” самарали фаолият юритмоқда.**

Мазкур қабулхонага ҳар куни юзлаб фуқаролардан турли мавзуларда мурожаатлар қабул қилинмоқда. Масалан, “Муборакнефтгаз” масъулияти чекланган жамияти ишчиси Зафар Эшқобилов кўп йиллардан буён шу корхонада Қашаши туманининг олис тоғолди ҳудудида жойлашган Кўкбулоқ қишлоғидан қатнаб ишлаши, Қарши туманида барпо этилаётган, намунавий лойиҳа асосида қурилаётган уй-жойлардан олишда амалий ёрдам сўраган.

– Қарши шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари ва ишчи комиссиясининг оғоҳлантиришича, “Митти Фарм” масъулияти чекланган жамият балансидаги дорихонамиз бузилган экан, – дея баён этган ўз мурожаатида тадбиркор Холбек Юлдашев. – Дорихонамиз шифохоналар курсида жойлашгани боис дори-дармон савдоси учун жуда қулай. Шу тўғрисида тегишли ер майдонини ўзимизда қолдириш учун маҳаллий бошқарув органларига кўмак сўраб мурожаат қилдик. Жумладан, Қарши шаҳар ҳокимлиги ишчи комиссиясига

компенсация тўлаш билан боғлиқ ҳужжатларни тақдим этдик. Бироқ тасаруфимизда бўлган хусусий бино ва иншоотлар бузилган бўлса-да, ҳозирга қадар уларнинг қиймати тўланмади, янги бино қуриш учун ер ажратилмади. Ҳақ-ҳуқуқларимиз ҳимоя қилиниб, компенсация берилиши ва ер ажратилишига амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

– Фуқароларни ташвишга солаётган ўнга яқин масалага ижобий ечим топишга эришдик, – дейди партия ҳудудий ташкилоти қошидаги “Ўзбекистон Республикаси Бош вазири қабулхонаси” бош консултанти Саид Исмоилов. – Қолганларини ҳал этиш борасида тегишли ишлар амалга ошириляпти. Мақсадимиз юртдошларимизнинг ҳеч бир мурожаатини эътиборсиз қолдирмаслик, уларни синчиқлаб ўрганиш, қонуний манфаатларини ҳимоялашдир.

**Сайфулла ИКРОМОВ,**  
“XXI asr” мухбири

## ИМКОНИЯТ



Ушб. сурати

## Фермерлик фаолияти такомиллашмоқда

*Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатининг кундан кунга ривожланаётгани, соҳа вакиллари кенг имтиёз ва преференциялар берилаётгани юртимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда.*

Айниқса, Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бутун юртимизда бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам аграр соҳани янада тараққий эттириш, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш ва дастурхон тўқинлигини таъминлашда ҳуқуқий омил бўлмоқда.

Вилоятда бугунги кунда 7 минг 360 дан зиёд фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Ушбу фермер хўжаликларининг 3 минг 731 таси пахта ва галлачилик, 138 таси сабзавот ва поливчиллик, 2 минг 795 таси боғдорчилик ҳамда узумчилик, 626 таси чорвачилик ва 70 таси бошқа соҳаларга иктисослашган. Уч йил муқаддам 1 минг 345 та иштиқобли лойиҳа асосида ҳудуддаги 1 минг 205 та фермер хўжалигида 53 миллиард 527 миллион сўм маблағ ўзлаштирилиши ҳисобидан 4 минг 542 та янги иш ўрни яратилиш белгиланган эди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу лойиҳалар тўлиқ амалга оширилибгина қолмай, янги иштиқобли имкониятларга йўл очилди. Утган ярим йил давомида 1 минг 2 та фермер хўжалигида 1 минг 19 та янги лойиҳа асосида 3 минг 685 та иш ўрни яратилганлиги фикримиз исботидир. Жойларда интенсив боғ ва тоқзорларни кўпайтириш, чорвачилик, паррандачилик, балқичилик ва асалари-чиликни кенг йўлга қўйиш кутилган самара берапти. Гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни қайта ишлашга мўлжалланган кичик цехларни барпо этиш ҳам доимий эътиборда. Жумладан, Когон туманидаги Бехзод Аҳдов раҳбарлигидаги "Сивёуш Камрон фуд" фермер хўжалигида интенсив боғлар яратиш ишлари бошлаб юборилган. "Ҳамкорбанк"нинг вилоят филиалидан 500 минг АҚШ доллари миқдорида ажратилган кредит ана шу эзгу мақсадларни амалга оширишда кўп келаяпти. Эндиликда Туркия ва Исроил давлатидан мевали кўчатларни сугоришда қўлланиладиган замонавий технология харид қилиш режалаштирилган бўлиб, жами 2 минг тонна ҳосилни сифатли сақлаш қувватига эга бўлган музлаткич қуриш ишлари давом этаёпти.

Вилоятда чорвачиликни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшиб келаётган Гиждувон туманидаги Акмал Тешаев раҳбарлигидаги "Жўшқин Пермаст" фермер хўжалиги ҳақида алоҳида тўхталиш мумкин. Бу ерда ҳар йили бўрдоқига боқилаётган новослар ҳисобидан давлатга 10 тоннадан зиёд гўшт сотилмоқда. 200 бошга етказилган "Қизилчўл" зотли қорамолларнинг 80 боши соғин сигирдан иборат. 20 нафар киши доимий иш билан таъминланган хўжалик учун

2014 йилда "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг вилоят филиалидан ажратилган 640 миллион сўм миқдоридagi кредитнинг маълум қисми 2 гектар майдонда иссиқхона барпо этиш ва пировардида боддинг, помидор етиштиришга йўналтирилгани бугун ўз натижасини бериб турибди. Жорий йил охиригача "Чорва – насл" вилоят бирлашмаси билан ҳамкорликда Голландия давлатидан яна 32 бош зотдор сигир сотиб олиш кўзда тутилган бўлиб, банкдан ажратилган 240 миллион сўм миқдордаги кредит бу ишларни амалга ошириш имконини беради.

Эътиборлиси, пешқадам фермер хўжаликлари орасида O'zLiDeP аъзолари бошчилик қилаётган субъектлар ҳам бор. Гиждувон туманидаги "Уктам Қайом", "Файз", "Адолат замини ёғдуси", Вобект туманидаги "Ҳайдарали ГХМ", "Хусен Болта замини", "Тошпўлат", Когон туманидаги "Шоди Тоирович", "Сиддиқ Наби", "Абдуқодир обод", "Савр", "Шоқулов Соли бобо", Пешку туманидаги "Малишояк" сингари кўп тармоқли фермер хўжаликлари шулар жумласидандир.

Энг муҳими, соҳанинг илғор вакиллари бўлмиш бундай фермер хўжаликлари раҳбарлари партия фаоллари сифатида O'zLiDeP-нинг мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб этишда жонқуярлик кўрсатишмоқда.

**Иноят НАРЗИЕВ,**  
Бухоро вилояти Фермерлар кенгаши раиси,  
O'zLiDeP вилоят Кенгаши аъзоси,  
Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати

"АЁЛЛАР ҚАНОТИ" ХАБАРЛАРИ

## Уддабурон ва оқила бекалар мактаби

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан жойларда давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилмоқда. Унда хотин-қизларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ролини ошириш, қизларда спортга янада меҳр уйғотишга эътибор қаратилмоқда.

### АНДИЖОН

Бўз туманидаги "Ферузбек Қодиров" фермер хўжалигида "Тадбиркорлик ва фермерлик ривожини – фаровон ва бахтли ҳаёт барпо этишининг муҳим шартини" мавзусида ўтказилган давра суҳбатида туманда деҳқон хўжаликларини ривожлантириш, мулкдорларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларни оилавий тадбиркорликка жалб этиш каби масалалар муҳокама марказида бўлди.

Улуғнор туманида ташкил этилган "Хусусий мулкнинг ишончли ҳимояси – ижтимоий тараққиёт таянчидир" мавзусидаги тадбирда хусусий мулк, кичик бизнес ривожини йўлга амалга ошириладиган ислохотлар, ютуқлар, соҳага доир қабул қилинган қонун ва фармонлар ижроси хусусида сўз юритилди.

Кўрғонтепа туманида "Эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ва уларни бартараф этиш йўллари" мавзусида учрашув ўтказилди. Тадбирдан кўзланган мақсад баркамол авлодни вояга етказиш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олишдир.

### ЖИЗЗАХ

Зафаробод туманида "Фермер аёллар" лойиҳаси доирасида "Фидойи фермер аёллар" номли тадбир бўлиб ўтди. Унда хотин-қизлар ҳуқуқларининг ҳимоясига қаратилган меъриий ҳужжатлар, имтиёзлар, банк ва солиқ соҳасида оид янгиликлар муҳокама этилди.

Янгибод туманида "Жисмоний ва маънавий камолот уйғунлиги – соғлом ва фаровон турмуш гарови" мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди. Унда сўзга чиққанлар хотин-қизлар ўртасида тиббий маданиятни ошириш, ёшларни спортга жалб этиш ва бу борада жамоатчилик назоратини ташкил этиш каби масалаларда фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Мирзачўл туманида "Соғлом оила – мустақкам оила" лойиҳаси доирасида ўтган учрашувда партия фаоллари, маҳалла оқсоқоллари, тадбиркорлар иштирок этди. Тадбирда бўлғуси оналар ўз саломатлигига бефарқ бўлмаглиги, ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтишининг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Дилноза НОМОЗОВА,  
"XXI asr" мухбири

## "Фаргона шифокори" – Ғолиб

Тошкентда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фтизиатрия ва пульмонология иктисослашган республика илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда журналистларни қайта тайёрлаш маркази АҚШ халқаро тараққиёт дастури (USAID) билан ҳамкорликда "Сил касаллиги масалаларини ёритиш ва аҳолининг ушбу касаллик тўғрисидаги хабардорлигини оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда бундай касаллик билан курашиш нафақат тиббий, балки ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги, журналистлар ушбу мавзунини ёритишдан аввал ҳар томонлама маълумотга эга бўлиш лозимлиги таъкидланди.

Тадбир сўнгида шў мавзуда ёзилган энг яхши мақолалар муаллифлари тақдирланди. Босма нашрлар номинацияси бўйича биринчи ўринни олган "Фаргона шифокори" газетаси таҳририяти диплом ва кимматбаҳо совғалар билан мукофотланди.

Ўз мухбиримиз

РЕКЛАМА ҲУҚУҚИДА

## "АНДИЖОН СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ" ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

*юртимиздаги, жумладан, андижонлик ишбилармонларга ички ва ташқи бозорга сифатли, рақобатбардош, хавфсиз маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ва уларнинг экспорт салмоғини янада оширишда яқиндан ёрдам беришни маълум қилади.*

### ҲУРАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР, ФЕРМЕРАЛ!

– Корхонангизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигига эришиш, хориждан ички бозоримизга келтириладиган маҳсулотларга мувофиқлик сертификати олиш; ҳар қандай маҳсулот, кўрсатиладиган хизмат турларини жаҳон бозорига тан олинганда муҳим ҳисобланган ISO 9001 – халқаро "Сифатни бошқариш тизими"ни жорий этиш;

– хонадонингиз, корхонангизда мавжуд бўлган газ, иссиқ ва совуқ сув сарфини ҳисоблаш воситаларини давлат қиёсловидан ўтказишни истайсизми?

Унда, марҳамат, "Андижон синов ва сертификатлаштириш маркази" давлат корхонасининг (0-374) 223-87-81 рақамли ишонч телефони ёки [www.assm.uz](http://www.assm.uz) веб-сайтимиз орқали мурожаат қилинг ва ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб олинг.

### БИЗ СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДАМИЗ!

Манзилимиз: Андижон шаҳри Фитрат кўчаси 251-уй  
Телефонларимиз: (0-374) 225-16-97, 223-17-54  
e-mail: andjansert1@uamail.uz, andjansert@bk.ru

## Ўзаро манфаатли ҳамкорлик

✓ Бугунги кунда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар дунёнинг 100 га яқин давлатига экспорт қилинмоқда. Айниқса, юртимизда тайёрланаётган саноат, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, қурилиш маҳсулотларига бўлган талаб дунё бозорига йил сайин ортиб бораёпти.

Буни биргина пойтахтимизда жорий йилнинг 12-13 октябрь кунлари бўлиб ўтган XII Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркаси мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Унда Хитой, Россия, Европа Иттифоқи давлатлари, Япония, Бангладеш, Бирлашган Араб Амирликлари, Корея Республикаси каби 40 дан зиёд мамлакатнинг ишбилармон доиралари вакиллари, эксперт ва мутахассислари иштирок этиб, қарийб 1 миллиард 322 миллион доллардан зиёд миқдордаги шартнома имзоланганининг ўзи ҳам ярмарканинг нуфузи йил сайин ортиб бораётганидан далолатдир.

Мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг ортиб боришида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки қошида ташкил этилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ўрни ҳам салмоқли бўлаяпти. Шу ўринда маълумот учун

айрим рақамларни келтириб ўтсак: жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида жамғарма кўмағида 2 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектларига маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишда ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий хизматлар кўрсатилиб, 2 миллиард 184 миллион АҚШ долларига тенг экспорт шартномалари имзоланиб, 1 миллиард 100 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорти амалга оширилди. Германия, Франция, Италия, Туркия, Жанубий Корея, Сингапур, Туркменистон, Қозоғистон, Россия каби давлатларда бўлиб ўтган халқаро кўргазма ва ярмаркалар, кооперация биржаларда жамғарма кўмағида тадбиркорларимизнинг ўз маҳсулотлари билан иштирок этишадигани ўзбек маҳсулотларининг хориж бозорларидан янада кенгроқ жой эгаллашига сабаб бўлаяпти. Ана шу каби мулоҳазаларни Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Ерик Утинбаев мазкур жамғарма ижрочи директори

Жаҳонгир Мустафоев билан учрашувда билдириб ўтди.

– Азалдан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган турли хилдаги саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талаб жуда юқори бўлиб келган, – дейди Ерик Утинбаев. – Мамлакатларимиз ўртасида маҳсулот айирбошлаш салмоғи йил сайин ортиб бормоқда. Биргина Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки қошида ташкил этилган мазкур жамғарма кўмағида 2014 йилда 164 миллион, 2015 йилда 117 миллион АҚШ долларилик маҳсулот Қозоғистонга экспорт қилинган, жорий йилда бу кўрсаткичнинг янада ортиши кутилаётгани фикримиз исботидир. Айниқса, ўзбек деҳқонлари етиштирган сабзавот ва полив, мева, узумга эҳтиёжимиз ортса ортадики, камаймайди. Бугунги учрашувдан мақсад ҳам давлатимизга ўзбек тадбиркорларини янада кўпроқ жалб этиш баробарида диёрингизда ишлаб чиқариладиган ва жаҳон талабларига тўла мос келадиган саноат, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, қурилиш материалларини Қозоғистонга экспортини янада кўпайтириш чораларини кўришдан иборатдир.

Учрашув давомида Жаҳонгир Мустафоев элчига жамғарма фаолияти тўғрисида сўзлаб берад экан: "Қозоғистонда ташкил этиладиган халқаро кўргазмаларда ўзбек

тадбиркорлари ҳар йили ўз маҳсулотлари билан қатнашаётгани, хусусан, жорий йилнинг июнь ойида Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган "Мебель интерьер – 2016" халқаро кўргазмасида ўзбекистонлик 10 нафар мебелсоз тадбиркор иштирок этиб, 2 миллион АҚШ долларилик шартнома имзолагани Ўзбекистонда тайёрланаётган мебелларнинг сифатига билдирилган ишончнинг яққол кўринишидир", деди. Учрашув давомида шу каби кўргазмаларда ишбилармонларимизнинг иштирокини янада кўпайтириш ва ўз ўрнида мамлакатимизда ўтказиладиган саноат, озиқ-овқат ва бошқа йўналишлардаги халқаро кўргазмаларда эса қўшни давлат ишбилармонларининг иштироки этиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида фикрлашдилар. Бундан ташқари, жамғарма кўмағида қозоғистонлик ишбилармонларнинг, айниқса, Жанубий Қозоғистон, Қизил Ўрда, Жезқозғон вилоятлари тадбиркорларини мунтазам равишда Тошкент вилоятининг Ангрен, Жиззах маҳсус индустриал ҳудудларида фаолият кўрсатаётган маҳаллий ҳамда қўшма корхоналарга, шунингдек, республикамизнинг бошқа вилоятларига мунтазам таширларини йўлга қўйиш тўғрисида ҳам келишиб олинди.

Зиёдулла МҮМИНОВ,  
"XXI asr" мухбири

## "ЎЗСТАНДАРТ" АГЕНТЛИГИ, "ФАРҒОНА СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ" ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

### ҲУРАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга оид фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида "Ўзстандарт" агентлиги "Фаргона синов ва сертификатлаштириш маркази" давлат корхонаси маҳсулотлар синовини ўтказиш, мувофиқлик сертификати бериш, ўлчов воситаларини давлат қиёсловидан ўтказиш ва Халқаро ISO 9001 стандартларини жорий этиш бўйича зарур ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда уни корхоналарда жорий этиш бўйича амалий ёрдам беради.

Сиз онлайн усулида фаолият юритадиган [www.fssm.uz](http://www.fssm.uz) сайти ёки (0-595) 404-27-82 рақамли ишонч телефони орқали боғланиб, корхонангизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар синовини ўтказиш, сертификатлаштириш, экспортга йўналтириладиган маҳсулотлар учун қўйиладиган халқаро стандартлар талаблари, шунингдек, импорт маҳсулотларга мувофиқлик сертификатини олиш юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча саволлар бўйича марказимиз мутахассисларига мурожаат этишингиз мумкин.

### БИЗ СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДАМИЗ, АНИЗ ТАДБИРКОРЛАРИМИЗ!

Манзилимиз: Фаргона шаҳри Б. Марғинович кўчаси 119-уй.  
Телефонларимиз: (0-373) 244-54-50, 244-52-94,  
(0-595) 404-81-17.

e-mail: fargonassm@uznet.net

# ЭЪЛОН

## “KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI” MCHJ NAVOIY VILOYATI FILIALI BARCHA TADBIRKORLIK SUBYEKTLARINI, SHU JUMLADAN, KICHIK BIZNES ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

*Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботларини ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда:*

1. Бир қаватли “Автомобилларга сервис хизмат кўрсатиш шохобчаси ва офис” биноси қуриш учун Навоий шаҳри Навоий кўчасидан қурилиш майдони 900 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 1 132 200 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 9 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 450 000 000 сўм.

2. “Сунъий қопламали футбол майдончаси” қуриш учун Навоий шаҳри Зарапетян кўчаси “Сўғдиёна” уйингоҳининг жануб томонидан 1500 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 2 092 500 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 75 000 000 сўм.

3. Икки қаватли “Кафетерия ва интернет кафе” биноси қуриш учун Навоий шаҳри М. Таробий ва Меъморлар кўчаси туташган чорраҳадан 500 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 697 500 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 8 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 250 000 000 сўм.

4. Бир қаватли “Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи” биноси учун Навоий шаҳри Тинчлик кўрғони ҳудудидан 600 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 590 400 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 10 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 300 000 000 сўм.

5. Икки қаватли “Нон ва нон маҳсулотлари сотиш ҳамда ишлаб чиқариш цехи” биноси қуриш учун Навоий шаҳри Гулистон бозори Халқлар дўстлиги кўчаси ҳудудидан 800 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 1 116 000 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 13 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 400 000 000 сўм.

6. Бир қаватли “Савдо дўкони” биноси қуриш учун Навоий шаҳри Ишчилар шаҳарчаси ҳудуди 8<sup>й</sup> – уй ёнидан 30 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 37 740 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 1 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 50 000 000 сўм.

7. Бир қаватли “Иссиқхона” қуриш учун Навоий шаҳри Меъморлар кўчаси ҳудуди санат ҳимояси ҳудудидан 800 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 1 116 000 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 400 000 000 сўм.

8. Бир қаватли “Тикув цехи” биноси қуриш учун Навоий шаҳри Тинчлик кўрғони ҳудудидан 188 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 184 994 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 7 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 94 000 000 сўм.

9. Бир қаватли “Дорихона” биноси қуриш учун Навоий шаҳри Тинчлик кўрғони ҳудудидан 140 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 137 760 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 70 000 000 сўм.

10. Бир қаватли “Савдо дўкони ва маиший хизмат кўрсатиш дўкони” биноси қуриш учун Навоий шаҳри Тинчлик кўрғони ҳудудидан 160 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 157 440 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 80 000 000 сўм.

11. Бир қаватли “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш” биноси қуриш учун Навоий шаҳри Ибн Сино кўчаси ҳудудидан 150 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 209 250 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 75 000 000 сўм.

12. Бир қаватли “Темир панжара ишлаб чиқариш цехи” биноси қуриш учун Навоий шаҳри Ишчилар шаҳарчаси ҳудудидан 280 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 352 240 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 140 000 000 сўм.

13. Бир қаватли “Сунъий қопламали футбол майдончаси” қуриш учун Навоий шаҳри Имом ал-Бухорий (Б. Равшанов) кўчасида жойлашган “Пахтасаноат” акциядорлик жамияти олд қисмидан 3 115 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 3 918 670 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 155 750 000 сўм.

14. Икки қаватли “Чинни маҳсулотларини сотиш дўкони” биноси қуриш учун Навоий шаҳри Ўзбекистон кўчаси ҳудудидан 230 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 320 580 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 115 000 000 сўм.

15. Бир қаватли “Маиший хизмат кўрсатиш ва савдо дўкони” биноси қуриш учун Навоий шаҳри Халқлар дўстлиги кўчаси 146-уй ён қисми ҳудудидан 80 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 111 600 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 40 000 000 сўм.

16. Бир қаватли “Тикувчилик цехи” биноси қуриш учун Навоий шаҳри Низомий кўчаси 14-уй ён қисми ҳудудидан 216 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 301 320 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 108 000 000 сўм.

17. Бир қаватли “Болалар боғчаси” биноси қуриш учун Навоий шаҳри Гулистон – 3 кўрғони ҳудудидан 5 400 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 6 793 200 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 17 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 2 500 000 000 сўм.

18. Бир қаватли “Нон ва нон маҳсулотлари сотиш ва новвойхона” биноси қуриш учун Навоий шаҳри Ишчилар шаҳарчаси ҳудудидан 112 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 140 896 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 56 000 000 сўм.

19. Бир қаватли “Автошохобекат” қуриш учун Навоий шаҳри Имом ал-Бухорий (Б. Равшанов) кўчасида жойлашган “Пахтасаноат” акциядорлик жамияти олд қисмидан 3 820 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 4 805 000 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 191 000 000 сўм.

20. Бир қаватли “Ошхона” биноси қуриш учун Кармана тумани Нарпай ҚФЙ Боғишамол маҳалласи ҳудудидан 300 кв. м. , шундан қурилиш майдони 260 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 205 500 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 60 000 000 сўм.

21. “Сунъий қопламали спорт майдончаси” қуриш учун Кармана тумани Янгиарик ҚФЙ Талқоқ маҳалласи ҳудудидан 200 кв. м. , шундан қурилиш майдони 100 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 167 200 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 320 000 000 сўм.

22. Бир қаватли “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси” биноси қуриш учун Кармана тумани Янгиарик ҚФЙ Талқоқ маҳалласи ҳудудидан 300 кв. м. , шундан қурилиш майдони 240 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 250 800 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 140 000 000 сўм.

23. “Сунъий қопламали спорт майдончаси” қуриш учун Кармана тумани Янгиарик ҚФЙ Талқоқ

лейбол ва баскетбол майдончаси” биноси қуриш учун Кармана тумани Маликработ ҚФЙ Дўстлик маҳалласи ҳудудидан 3 000 кв. м. , шундан қурилиш майдони 2 600 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 2 508 000 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 225 000 000 сўм.

14. Бир қаватли “Савдо дўкони” биноси қуриш учун Кармана тумани Маликработ ҚФЙ Дўстлик маҳалласи ҳудудидан 300 кв. м. , шундан қурилиш майдони 160 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 250 800 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 1 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 85 000 000 сўм.

15. Бир қаватли “Фитнес клуб” биноси қуриш учун Кармана тумани Маликработ ҚФЙ Дўстлик маҳалласи ҳудудидан 400 кв. м. , шундан қурилиш майдони 330 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 334 400 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 155 000 000 сўм.

16. Бир қаватли “Тегирмон ва омборхона” биноси қуриш учун Кармана тумани Маликработ ҚФЙ Сардоба маҳалласи ҳудудидан 1000 кв. м. , шундан қурилиш майдони 650 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 685 000 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 215 000 000 сўм.

17. Бир қаватли “Савдо дўкони, айвон, ҳо-жатхона” биноси қуриш учун Кармана тумани Маликработ ҚФЙ ҳудудидан 300 кв. м. , шундан қурилиш майдони 260 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 205 500 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 110 000 000 сўм.

18. “Сунъий қопламали спорт майдончаси” қуриш учун Кармана тумани Уйрот ҚФЙ Уйрот маҳалласи ҳудудидан 1 000 кв. м. , шундан қурилиш майдони 650 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 685 000 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 125 000 000 сўм.

19. “Сунъий қопламали спорт майдончаси” қуриш учун Кармана тумани Нарпай ҚФЙ Камолот маҳалласи ҳудудидан 1 000 кв. м. , шундан қурилиш майдони 850 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 685 000 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 125 000 000 сўм.

20. “Сунъий қопламали спорт майдончаси” қуриш учун Кармана тумани Нарпай ҚФЙ С. Умаров маҳалласи ҳудудидан 1000 кв. м. , шундан қурилиш майдони 850 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 685 000 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 125 000 000 сўм.

21. Икки қаватли “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси” биноси қуриш учун Кармана тумани Янгиарик ҚФЙ Талқоқ маҳалласи ҳудудидан 200 кв. м. , шундан қурилиш майдони 100 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 167 200 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 320 000 000 сўм.

22. Бир қаватли “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси” биноси қуриш учун Кармана тумани Янгиарик ҚФЙ Талқоқ маҳалласи ҳудудидан 300 кв. м. , шундан қурилиш майдони 240 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 250 800 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 140 000 000 сўм.

23. “Сунъий қопламали спорт майдончаси” қуриш учун Кармана тумани Янгиарик ҚФЙ Талқоқ

маҳалласи ҳудудидан 1200 кв. м. , шундан қурилиш майдони 850 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 1 003 200 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 125 000 000 сўм.

24. Бир қаватли “Савдо дўкони” қуриш учун Кармана тумани Уйрот ҚФЙ Уйрот маҳалласи ҳудудидан 100 кв. м. , шундан қурилиш майдони 80 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 68 500 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 1 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 75 000 000 сўм.

25. Бир қаватли “Кичик тамаддихона, маиший хизмат кўрсатиш объекти” биноси қуриш учун Кармана тумани Уйрот ҚФЙ Уйрот маҳалласи ҳудудидан 200 кв. м. , шундан қурилиш майдони 180 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 137 000 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 80 000 000 сўм.

26. Бир қаватли “Маиший хизмат кўрсатиш объекти” биноси қуриш учун Кармана тумани Аргун маҳалласи ҳудудидан 200 кв. м. , шундан қурилиш майдони 120 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 167 200 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 1 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 95 000 000 сўм.

**Талаборларнинг конвертлари Навоий вилояти ҳокимлиги биноси мажлислар залида 2016 йил 2 декабр куни соат 15:00 дан бошлаб очилади ва таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабор ғолиб деб топилади. Талаборлардан бюортномаларни қабул қилиш 2016 йил 1 декабр куни соат 16:00 да тўхтатилади.**

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми туман ва шаҳар архитектура бўлиmlари томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланган талаборларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талаборлардан бюортномаларни қабул қилиш – билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талаборлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини АТИБ “Ипотeka банк” Навоий шаҳар филиалидаги: МФО 00205, СТИР 207122519, 20208000504920609007 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Талаборлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг ярим баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

**Талаборлар бюортнома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:**

- юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар – паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил катнашган тақдирда шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;
- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талаборнинг имзоси, агар талабор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили:** Навоий вилояти Навоий шаҳри Жасорат (П. Очлов) кўчаси 24-уй. **Телефон:** (0-436) 224-15-61, 22-4-44-01. **user07@inbox.uz. www.lkms.uz**

Лицензия: RR – 0001.

# МОҲИЯТ

21 ОКТЯБРЬ – ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛГАН КҮН

## Она тилим – сен борсан, шаксиз

Яқин ўтмишимиздан маълум: чекка қишлоқлардан келган отахон, онахонлар, болали аёллар рус тилини яхши билмагани учун темир йўл вокзаллари, аэропорт кассалари олдида туртилиб-суртилиб юришар, чиптачи эса ўзбек тилида гаплашмас, тўғрироғи, гаплашишни хоҳламасди. Вилоятлар, туманлар миқёсидаги катта-ю кичик йиғинлар асосан рус тилида ўтказилар, қишлоқ ҳудудларидан келган деҳқонлар, чорвадорлар эса уни тушунмагани учун жимгина ер чизиб ўтиришга мажбур эди.

Уларнинг кўнглидаги ўй-фикрлар, ҳаёти ва ишидаги муаммолар кимни ҳам қизиқтирарди, дейсиз. Кўпчилик зиёлилар фарзандларини маҳаллий мактаблардан олиб, рус мактабларига бера бошлагани ҳам аён ҳақиқат. Қисқаси, ўзбек тили таназзул ёқасига келиб қолган, бу оғир кўргулик, миллатнинг фожеаси эди.

Ана шундай таҳликали бир пайтда Биринчи Президентимиз Исмоил Каримовнинг саяё-ҳаракати, маънавий жасорати, юртпарварлиги туфайли 1989 йил 21 октябрда “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Бу чинакам тарихий воқеа эди. Эндилкида барча корхона, муассаса ва ташкилотларда иш юритиш ўзбек тилида олиб боришмоқда. Истиқлол туфайли нафақат ўзбек тили, балки бошқа тилларнинг ривожланиши учун ҳам кенг йўл очилмоқда.

Ана шундай эзгу ишларнинг манткий давоми сифатида Биринчи Ўйбашчимиз томонидан 2016 йил 13 майда “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги фармон имзоланганди. Ўз даврида улуг шоиримиз Алишер Навоий беш достондан либратор “Хамса”ни ёзиб, туркий тилнинг бой ва гўзаллиги, кенг имкониятларини уни камситишга уринган замондошларига амалда исботлаб берган эди. Ушандан бери неча асрлар ўтди. Лекин тили-

мизга бўлган меҳр ва эътибор ошса ошдики, асло камайгани йўқ. Зеро инсон камолотида она тилининг ўрни беқиёс. Гудакнинг тили “она”, “ота”, “нон” каломларини айтишдан бошланади. Бора-бора “Ватан”, “муҳаббат” сўзларини ҳам она тилида айтади. Юртпарварлик, миллатпарварлик туйғуларининг мурғак онгига даставвал она алласи, она тили орқали синдирилишини ҳам яхши биламиз. Она тили миллатнинг руҳиятини акс эттирса, адабиёт эзгу ишларга ундайди, гўзалликка ошно қилади. Ўз тилини яхши билган одам бошқа тилларни ҳам

тез ва осон ўзлаштиради. Дарвоқе, инсониятга ҳурмат ота-она, туғилиб ўсган юрт, миллий қадриятларга муҳаббатдан бошланиши оддий ҳақиқатдир. Бугун ўзбек тили мамлакатимизда давлат тили сифатида ўзининг тўлиқ қонуний мақомига эга. Аммо тилимизни янада бойитиш, ижтимоий мавқеини ошириш йўлида ҳали бир қатор муаммолар борки, уларни ҳал этиш тилшуносларимиз, адабий жамоатчилигимиз олдида турган долзарб вазифадир.

Ўзбек тили дунёдаги энг гўзал, пурмаъно, имкониятлари кенг лисонлардан бири саналади, деяпмиз. Аслида ҳам шундай. Тил чегара билмайди. Ўзбек тилининг қамров доираси кенгайиб бораётгани ҳам бежиз эмас. Мана шундай гўзал тили ва адабиёти бор халқ дунё тамаддунида ўз ўрнига эга бўлишга ҳақлидир.

Озода ҒАФФОРОВА,  
Тошкент шаҳар Сергеев туманидаги  
277- мактабнинг она тили  
ва адабиёти фани ўқитувчиси



## Эътибор ва эҳтиром

Истиқлол йилларида юртимизда ёшларга бўлган эътибор кучайиб, уларнинг билим олиши ва турли соҳаларда ўзларини намойён қилишлари учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берилди. Бунинг натижаси ўлароқ, ўтган йиллар мобайнида навқирон авлод вакиллари ўзларининг илмий салоҳиятлари, интилувчанликлари билан дунё ахлини лол қолдириб, ўзбек халқи ҳеч кимдан кам эмаслигини амалда исботлашди. Айтиш жоизки, бунда чет тилларни мукамал ўрганиш ва ривожлантириб боришнинг роли ва аҳамияти беқиёсдир. Шунинг фахр билан айташ керакки, бугунги кунга келиб таълим тизимининг барча босқичларида юз минглаб ўғил-қизларимиз муайян ихтисослик бўйича хорижий тилларни пухта ўрганиб келишмоқда.


Бироқ шунинг ҳам унутмаслигимиз керакки ўз миллий тилимиз – ўзбек тилини мукамал билмасдан туриб, ўзга лисонларни ўрганишда миллатимиз учун ҳеч бир наф йўқдир. Чунки она тили инсон қалбига Ватанга муҳаббат, садоқат туйғуларини камол топтиради. Шу боис тилимизнинг пайдо бўлиш тарихи, ривожланишини ўрганишимиз ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Зеро, тил миллат, жамиятда шаклланиб, тараққий этади. У том маънода халқ маънавий ҳаётининг кўзгуси, миллат қалбидир. Тилга бўлган эътибор эса

халқ, миллатга бўлган эҳтиромдир. Инсоннинг дунёни идрок этишида унинг тил билиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бошқа хорижий тилни чуқур ўрганмоқчи бўлган киши, аввало ўз она тилини мукамал билиши, эъозлаши, севиши, қадрлаши, унинг софлиги, гўзаллиги, қадр-қиммати ва ҳимояси учун курашга доимо шай турмоғи лозим.

Юртимизда мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ўзбек тилига жиддий эътибор қаратилди. Чунки собиқ иттифоқ даврида ўзбек тилининг аҳамияти сусайиб, лугати-

мизни айрим ажнабий тиллардаги сўзлар эгаллаб олган эди. Айниқса, айрим соҳаларда баъзи бир атамаларнинг асосан ўзга тилларда бўлганлиги фикримизга далил бўла олади. Яқин вақтларга бундай камчиликлар она тилимизнинг энг оғриқли нуқталаридан бўлиб келди. Қувонарлиси, сўнгги йиллардаги тилшунос олимларимизнинг саяё-ҳаракатлари ва бу борада қилинган хайрли ишлар натижасида айнан ўша мажбурий сингдирилган атамалар ўзининг ўзбек тилидаги турдоши билан алмаштирилди. Натижада бу йўналишда таълим олаётган ва илмий тадқиқотлар ўтказётган ёшларимиз миллий атамаларни ўзбек тилида қўлай бошлашди. Бу каби ютуқларимиз эса соҳанинг самарадорлигини ошириш баробарида, тилимизнинг халқро нуфузини янада юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Авазжон БЕКМУРАТОВА,  
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат  
институтини ўқитувчиси.  
Анвар АБДУМАЖИДОВ,  
талаба



### Абу Али ибн Сино

\*\*\*  
Ҳақиқатни очинглар, тўғри йўлдан юринглар. Бир-бирингиздан илм ўрганиб, камол топишингиз учун дил пардасини очиб ташланглар.

\*\*\*  
Кундалик ризқ кўп, қайгураверма. Шу билан бирга мол орттираман, деб ўзингни кўп қийнаверма. Чунки ҳар ким ўз насибасидан ортиқ битта ҳам дон ея олмайди.

\*\*\*  
Мол-дунёнинг сени алдамасин, чунки асраган мол-дунёнинг бошқаларники бўлади. Уларни сарф эта олсанг, ўша сенки бўлади.

\*\*\*  
Бойликни топишибди-ю ақл-идроқни йўқотишибди. Ажабо, топган нарсалари билан йўқотган нарсаларининг баҳоси бир хилмиди?

\*\*\*  
Киши учун энг фойдали, дилни ёритувчи нарса қаноатдир. Энг зарарли ва нафратли нарса ҳирс ва газабдир.

\*\*\*  
Ёрдам беришнинг гўзаллиги ундан кишининг тасалли топишида кўринади.

\*\*\*  
Одамларнинг ботири келажакдаги ишлардан кўрқмайди. Камолот ҳосил қилишдан четланган киши одамларнинг энг кўрқоғидир.

\*\*\*  
Инсон токи ўзини майда гап, ўчақиш, жанжал, шикоят, норозилик, оҳу воҳлардан озод қилолмас экан, у ифлос ва пастлик табиатидан халос бўлолмайди.

\*\*\*  
Яхшиликларнинг энг фойдалиси садақадир.

\*\*\*  
Агар ҳавода чанг ва тутун бўлмаса эди, киши минг йил яшаган бўларди.

\*\*\*  
Ҳар бир табиий нарса ўлчанган бўлади, лекин ҳар бир ўлчанган нарса табиий бўлавермайди.

\*\*\*  
Сабр деб, инсон бошига тушган алам ва чидаб бўлмайдиган оғриқни то енгунга қадар ушлаб туришга айтилади.

\*\*\*  
Кишини қабиҳ ва бемаза ишларга қадам қўйишдан тўтиб турадиган ва уни яхши хулқ ва ишларга йўллашига ҲАЁЙ дейилади.

\*\*\*  
Ифбат эса ёмонлик билан шаҳват ҳамда бунга ўхшаган нарсалар ўртасида туради. Яна у серҳафсалалик билан беҳафсалалик ўртасида туради.

\*\*\*  
Яхшилик ҳаммага бевосита сеvimли. Агар шундай бўлмаганда эди, ҳар ким ўзи истаган ёки орзу қилган ва ёки ўзича яхшилик деб тасаввур қилган бирор нарсани ўз олдига мақсад қилиб қўймаган бўларди.

\*\*\*  
Ҳакимнинг уч қуроли бор: сўз, гиёҳ ва тиг.

\*\*\*  
Ёлғизлик ҳалокатга олиб келади. Зеро, инсон ўзига керакли нарсаларни фақат жамият ёрдамида қўлга киритиши мумкин.

РЕКЛАМА

# AVTOSALON

## «SARDOR AVTO INVEST»

 ZAZ	ZAZ Forza, дв: 109 л.с. – бензин/газ 
 SUPER-AVTO	Нива Бизнес – пикап, 4x4, дв: 80,92 л.с. – бензин/газ 

ТУЛОВ ТУРИ: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ УТҚАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ  
Манзил: Тошкент ш., Шота Руставели кўчаси, 113-уй.  
Мулжал: Жанубий вокзал. Телефонлар: (+99871) 215-09-11, 250-23-93.  
www.sardor-avto.uz

MUASSIS:  
TADBIRKORLAR VA  
ISHBILARONLAR  
HARAKATI –  
O‘ZBEKISTON  
LIBERAL-  
DEMOKRATIK  
PARTIYASI

ЎТЎМОЙ-СИОСИЙ ГАЗЕТА  
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Содиқжон ТУРДИЕВ	Қўноқчиқ САНАҚУЛОВ
Дилшод ШОУМАРОВ	Тулкин ЭШНАЗАРОВ
Алишер СУЛТОНОВ	Аҳам ШОДМОНОВ
Абдураҳим КАРИМОВ	Расул КУШЕҒАЕВ
Алишер ШАЙХОВ	Виктор ПАК
Икбол МИРЗО	Бегмат ОЧИЛОВ

Тахрират манзили:  
Тошкент шаҳри,  
Нукус кўчаси, 75А-уй.  
электрон почта:  
xxi\_asr@umail.uz

Телефонлар:  
қабулхона – 215-63-80  
(тел./факс).  
Котибият – 281-40-17  
Реклама ва шартнома-  
лар бўлими – 215-60-45,  
255-68-50

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2016 йил 8 апрелда 10-3648 А рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.  
Ҳажми – 4 босма табоқ.

Буюртма рақами: Г – 1066 Тираж: 12546  
Баҳоси келишилган нарҳда.  
ЎЗА яқуни – 25:18  
Топширилди – 3:15

Тахриратга келган қўлималар тақрир қилинмайди ва мушрифга қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларда маъба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун тахрират жавобгар эмас.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда дизайнёр

Муаррифжон Раҳмонов  
томонидан саҳифаланди.

ISSN 2381-497X

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406  
12345

Навбатчи муҳаррирлар:  
А. МУҲАММАДОВ, С. САДОМОВ